

Кун иқтибоси

Таълим ва тарбиянинг асоси, пойдевори бу – мактаб. Мактабни мактаб қиладиган куч эса ўқитувчилардир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Ishonch

2019 йил 24 август • шанба • № 103-104 (4233)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш, шу мақсадда таълим тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Президентимиз йиғилишда мактаб таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада олдимизда турган долзарб вазифалар ҳақида фикр юритар экан, улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудўжа Бехбудийнинг «Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир» деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳияти ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, мураккаб ўтиш йилларида мактаблардаги маънавий-маърифий муҳит, ўқитувчи касбининг обрўи, нуфузи пасайиб кетгани, янги давр педагогларини тарбиялаш, педагогика фанини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларини жорий этишга етарли эътибор берилмагани соҳада бир қатор жиддий муаммоларни келтириб чиқарди. Кейинги йилларда ана шу муаммоларни самарали ҳал этиш, кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича мамлакатимизда ул-

кан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан халқ таълими тизимига оид 6 та фармон ва қарор, Вазирлар Маҳкамасининг 21 та қарори қабул қилиниб, бу соҳадаги ислохотларнинг ҳуқуқий-меъёрий асослари мустаҳкамланди. Ота-оналар, жамоатчиликнинг истаклари инобатга олиниб, юртимизда 11 йиллик мактаб таълими тизими тикланди. Сўнгги уч йилда юртимизда 157 та умумтаълим мактаби янгидан қурилди. Улуғ алломаларимиз – Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий номидаги иқтидорли болалар мактаблари, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Исҳоқжон Иброт, Муҳаммад Юсуф, Ҳалима Худойбердиева номлари билан аталган ижод мактаблари, «Темурбеклар мактаби», Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилгани юртимиз фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда. Таълим-тарбия ишларини самарали олиб боришда эркак ўқитувчиларнинг алоҳида ўрни ва таъсири борлиги ҳисобга олиниб, қўрилган аниқ чора-тад-

бирлар натижасида халқ таълими тизимига 12 минг 871 нафар эркак ўқитувчи қайтди. Педагог ходимлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича катта ишлар қилинмоқда. Охириги 3 йилда ўқитувчиларнинг иш ҳақи ўртача 2,5 баробар оширилди. Узоқ туманларга бориб ишлаётган педагог кадрлар меҳнатини рағбатлантириш бўйича аниқ мезонлар белгиланди. Уларга 50 фоизгача қўшимча ойлик устамалар тўланмоқда. Бу олис ҳудудларда етишмаётган мингдан зиёд ўқитувчини жалб этиш имконини берди. Нафақа ёшида фаолиятини давом эттираётган ўқитувчиларга пенсияси тўлиқ миқдорда берилмоқда. «Ҳурматли муаллимларимиз, жонқуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз, – деди Президентимиз. – Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ».

### КУН НАФАСИ

#### ЎЗБЕКИСТОН

«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамоат бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекиди.

«Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Умумий ўрта таълим муассасаларида жорий тилларни ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

«Хуқуқий ахборот» канали

Мустақиллик байрами арафасида 10 нафар аёл жазодан муддатидан олдин озод қилинди.

Олий суд матбуот хизмати

Жорий йил 14-16 сентябрь кунлари Хивадаги «Ичан қалъа» музей-қўриқхонаси ҳудудида «Рақс сеҳри» халқаро фестивали ўтказилди.

Хоразм вилояти туризмининг ривожлантириш департаменти матбуот хизмати

Ислоҳ Каримов ҳақида ёзувчи Луқмон Бўрихоннинг «Олов тутган одам» номли романи чоп этилди.

Ўзбекистон темирўлчилари ер усти метрополитен линиясида «Дўстлик» бекатидан «Охангарон» бекати йўналиши бўйлаб дастлабки рельсларни қўйиш ишларини бошлади.

«Ўзбекистон темир йўллари» АЖ матбуот хизмати

ishonch.uz:

«Матбуот бонг уради!»

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ  
АЧЧИҚ ҚАЛАМНИР ҲАҚИДА  
АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ

Oila va Jamiyat  
ЛИБОСДА МИЛЛАТ ЮЗИ НАМОЁН

OILA DAVRASIDA  
ЁМОНЛИК ЙЎЛИНИ ТЎСИБ,  
ЯХШИЛИК ТАРҚАТАЙЛИК...

Qashqadaryo  
ҚОРОВУЛНИНГ ЎЗИ ЎҒИРЛАРГА ШЕРИК ЧИҚДИ

NURONIY  
ХУДБИЙЛИК – ХАСТАЛИК

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги  
ХАВФЛИ АТТРАКЦИОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Marifat  
NOIJOJNING ILOJL

Mahalla  
ЁКИ ДАРДНИНГ ОЧИҚ ЯРАСИ  
ЁКИ Андижондаги «буза-бузлар қонуний олиб бориляптими?»



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

2019 йил 23 август куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси иш бошлади. Ялпи мажлисда сенаторлар бир қатор масалаларни кўриб чиқди.

**УЧТА ҚОНУН МАЪҚУЛЛАНДИ**  
Сенаторлар «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги, «Хотин-қизларни тазйиқлар ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш тўғрисида»ги қонунларни кўриб чиқдилар.

Мазкур қонунлар муҳокамадан сўнг сенаторлар томонидан маъқулланди.

## МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

### Халоскор куч

2016 йил 1 ноябрь. Андижон вилоятининг Бўз тумани. Шу куни Шавкат Мирзиёев Андижон вилояти сайловчилари вакиллари билан ўтказилган илк сайловолди учрашувида шундай деган эди: «Албатта, биз мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустаҳкам ҳаётини позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш бўйича катта ишларни амалга оширмоқдамиз. Аммо ҳолисона

тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда бутун дунёда аҳолининг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун қандай кескин кураш бораётганини, диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, «оммавий маданият» каби таҳдидлар кучаяётганини ҳисобга оладиган бўлсак, фарзандларимиз тарбияси, маънавий-маърифий соҳадаги ишларимизни бир зум ҳам сусайтирмасдан, аксинча, уларни янги

### ЖАҲОН

Чеченистонда ўзбек меъмор лойиҳалаштирган «Му-сулмонлар фахри» номли муҳташам масжид очилди.

Москва шаҳри мэри Ташқи иқтисодий ва халқаро алоқалар департаментида «Тошкент кунлари»ни ўтказиш масаласи муҳокама этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати

Россиянинг «Федор» номли одамсифат роботи биринчи марта «Союз МС-14» кемасида фазога учирди.

«РИА Новости»

АҚШлик мутахассислар куёш тафтини қайтариш мақсадида Қатардаги йўллари кўк ранга бўямоқда.

National Geographic

Россия Фанлар Академиясининг Умумий физика институти олимлари мия саратонини (глоб-ластома) фотодинамик даволашнинг янги усулини ишлаб чиқмоқда.

«РИА Новости»

Айрим халқаро ташкилотлар Тожикистон ҳукуматига мурожаат этиб, лўлиларнинг фарзандлари билим олиши учун зарур шароитларни яратиб бериш лозимлигини талаб қилмоқда.

Италия конституциявий суди раиси ўринбосари Марта Картабия илк бор Италиянинг аёл Бош вазири бўлиши мумкин.

«Sky TG24» ахборот канали



### Ҳаёт ва бирдамлик симфонияси

«Тўрақўрғон» иссиқлик электр станцияси фойдаланишга топширилиш арафасида

2014 йилнинг ноябрь ойида шундай мужда таралди: Тўрақўрғонда электр ишлаб чиқарадиган завод қурилар экан! Бу хабар ўша вақтларда кунига бор-йўғи 10-15 дақиқа электр энергиясидан баҳраманд бўлаётган водий аҳли учун ғоят қувончли эди. Лекин лойиҳа беш йилдан сўнг амалга ошади. Аммо барибир суюнса бўларди. «Беш йил нима деган гап, кўз очиб юмгунча ўтиб кетади, кейин болаларимиз қишли-қировли кунларда, ёруғда ўтириб дарс қилишади, телевизор кўришади...» Бу халқнинг тили-ю дилидаги гап эди.

# МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УМУМХАЛҚ ҲАРАКАТИГА АЙЛАНИШИ ЗАРУР

Аммо амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларга қарамадан, таълим тизимида ҳамон тизимли муаммолар борлиги, мактабларнинг моддий-техник базаси, айрим педагог ходимларнинг билим ва малакаси бугунги замон талабларига жавоб бермаслиги йўналишида танқид қилинди.

Таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва ўқув қўлланмаларини янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлиги қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болалиқдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Мактаблардаги камчиликларни тўлатиш, таълим сифатини назорат қилиш учун ота-оналар, кенг жамоатчиликнинг иштироки зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

«Мактаб – бу ҳаёт-мамонт масаласи, келажак масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши, бурчига айланиши керак», деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йўналишида халқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, муаммоларни комплекс ҳал этиш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 29 апрелдаги фармонида мувофиқ, Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Унда 48 та мақсадли

кўрсаткичларга эришиш бўйича аниқ механизмлар белгиланди.

Масалан, 2030 йилга бориб ўқувчилар билимини баҳолаш бўйича PISA халқаро дастури рейтингда Ўзбекистоннинг жаҳондаги етакчи 30 та мамлакат қаторидан жой эгаллаши мақсад қилиб қўйилган. Давлатимиз раҳбари ўқитувчининг мақоми ва нуфузини ошириш, ҳуқуқлари ва имтиёзларини кенгайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

«Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасак, ислохот, натижа ҳақида гапира олмаймиз», деди Президент.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси, Молия ва Халқ таълими вазирликларига 2020 йилда халқ таълими ходимлари ойлик иш ҳақини ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди. Узоқ қишлоқлардаги мактабларга ўқитувчиларни жалб этишни янада рағбатлантириш учун уларга уй-жойлар, автотранспорт учун кредитлар бериш ҳам кўзда тутилган.

Бу ишлар давлатимиз томонидан изчил давом этирилади. Лекин бу – масаланинг бир томони. Иккинчи томондан, ўқитувчи ва мураббийларнинг ўзи ҳам билим ва касб маҳоратини ошириш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, ҳалол меҳнати ва ташаббускорлиги билан бу касбнинг обрўсини ошириши кераклигига ургу берилди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, ҳудудларда 6 та педагогика институтлари фаолият кўрсатмоқда. Республика таълим маркази, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, вилоятларда ҳам шундай институтлар бор. Лекин ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини юксалтиришда, афсуски, уларнинг ўрни сезилмаяпти.

Йўналишида педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлири фаолиятини танқидий ўрганиб, такомиллаштириш, уларни энг нуфузли таълим муассасаларига айлантириш, педагогика мойиллиги бўлган ёшларни мақсадли тарбиялаб бериш бўйича вазифалар белгиланди.

Президент мактаблари ва ижод мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг самардорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида тузилма ташкил этилиши маълум қилинди.

Мактаблардаги маънавий-тарбиявий ишларни янгилаш асосда ташкил этиш, «Миллий ғоя», «Одбоннома», «Динлар тарихи», «Ватан туйғуси» каби фанларни бирлаштирган ҳолда, ягона «Тарбия» фанини жорий қилиш зарурлиги қайд этилди. Мактабларга буюк алломалар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур саркарда аждодларимизнинг номларини бериш муҳимлиги таъкидланди.

Оиладаги таълим-тарбия муҳити, ота-оналарнинг масъулияти ва ўқитувчилар билан ҳамкорлиги масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Мактаб ҳаёти, фидойи ўқитувчилар ҳақида бадиий ва ҳужжатли фильмлар, саҳна асарлари ва видеороликлар яратиш бўйича тавсиялар берилди.

«Моддий ва маънавий ҳаётни уйғун ривожлантиришимиз керак. Мактаб бу борада асосий бўгин бўлиши лозим. Мактаб таълимини ривожлантириш биз учун буюк умуммиллий мақсадга, умумхалқ ҳаракатига айланиши зарур», деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Йўналишида иштирок этган раҳбар ва мутасаддилар, таълим соҳасида фаолият юритаётган тажрибали ва фидойи муаллимлар, зиёвilar, маҳалла фаоллари муҳокама қилинган масалалар юзасидан ўз фикр-таклифларини билдирдилар.

ЎЗА

## БИТТА ҚОНУН РАД ЭТИЛДИ

Ялпи мажлисда «Она сути билан озиқлантиришни қўлаб-қувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларига доир талаблар тўғрисида»ги қонун муҳокама этилди. Қонун ҳар томонлама ўрганиб чиқилиб, уни тамомила қайта кўриб чиқиш зарур, деган хулосага келинди. Сўзга чиққанлар мазкур қонундаги айрим норма-



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

лар унинг номи ва мақсадларига мос келмайди, гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат маҳсулотларининг санитария ҳолати, сифати ва хавфсизлиги талабларига риоя қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш механизмлари ўз аксини топмаган, қолаверса, бошқа қонунлардаги нормалар мазкур қонунда такрорланган, дея таъкидлашди.

Шундан келиб чиққан ҳолда мазкур қонунни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲИСОБОТИ

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастурининг 2019 йил иккинчи чорагидаги ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама мавзуси бўлди.

Қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида дастурнинг 139 та банди ижросини таъминлаш белгиланган. Шундан 101 та банднинг ижроси таъминланди ва 22 та банд мuddатидан олдин бажарилган. Ҳозирги кунда ижроси таъминланган бандлар

сони 123 тани ташкил этмоқда.

Амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида ҳисобот даврида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 фоизга ўсди. Бюджет даромадлари қарийб 51 триллион сўмни ёки прогнозга нисбатан 109 фоизни ташкил этди. Маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 2,6 триллион сўмдан орტიқ ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида дастурда кўзда тутилган инвестициявий лойиҳалар сони 9088 та бўлиб, уларнинг умумий қиймати 60,3 триллион сўмни ташкил этади, яратилиши кўзда тутилган иш ўринлари эса 172488 та. Бироқ биринчи ярим йилликда жами 3332 та лойиҳа (37 фоиз) бўйича умумий қиймати 13,6 триллион сўмлик (23 фоиз) лойиҳалар амалга оширилиб, бор-йўғи 38252 та иш ўрни (22 фоиз) яратилган.

Ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини биринчи ярим йилликда амалга ошириш даражаси 44 фоизни ташкил этди. Бунда Тошкент шаҳри (27 фоиз), Тошкент вилояти (31 фоиз) ва

Қашқадарь вилояти (37 фоиз) энг орта қолаётган ҳудудлар ҳисобланади.

Вазирлик ва идоралар томонидан республиканинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни қонқарили деб бўлмайди.

Вазирлар Маҳкамасига дастурда белгиланган мuddатларда бажарилмаган бандларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш чораларини кўриш, шунингдек, вилоятлар ва туманларда ўтказилган ўрганишлар домида Олий Мажлис Сенати томонидан аниқланган, инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш тавсия этилди.

Муҳокама якунлари бўйича Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати йигирма биринчи ялпи мажлисининг биринчи ўси якунланди. Мажлис бугун ҳам давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати баҳарлари асосида тайёрланди

# МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ – ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

Сўнги 2-3 йил ичида бу борада бир қатор улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 28 июлда «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида», 2019 йил 3 майда «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, 2019 йилнинг 8 апрелида «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши эълон қилинди. Қарорга асосан Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши тузилди ва унга биноан Президент мазкур Кенгашнинг раиси этиб белгиланди. Қарийб 25 йил давомида ўз жойига, хизмат идорасига эга бўлмаган Республика Маънавият ва маърифат маркази янги, замонавий тарзда жиҳозланган, барча шароитларга эга ўз биносига эга бўлди. Марказ ходимларининг ойлик маошлари оширилди.

Ҳа, маърифатли, соғлом эътиқодли, том маънодаги ватанпарвар, миллий ғурури юксак инсон тарбиялаш масаласи мамлакатимизда ҳамisha энг устувор ва асосий вазифаси бўлиб келган.

Бугун дунё шу даражада шиддат билан ривожланиб бормоқдаки, бу жараён ҳар биримиздан унинг ижобий ва салбий таъсирларига тўғри жавоб беришни талаб этмоқда. Юртимиз иқтисодийётидаги оламшумул ўзгаришлар, одамлар ижтимоий турмуш шароитининг кундан-кунга яхшилланиб бориши, бир жумла билан айтганда, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ислохотлар натижаларида барчамиз эртанги кунга ишонч билан қарамоқдамиз.

Аммо, афсуски, ҳали ҳал этишимиз лозим бўлаётган муаммоларимиз кўп, бутун жамиятни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, уларни буюк келажакни барпо этишга йўналтиришда суҳбатчиликларга йўл қўймоқдамиз.

Ижтимоий-маънавий муҳитни барқарорлаштириш, аҳолиимизда, айниқса, ёшларимизда юксак эътиқодни шакллантиришда, турли ички ва ташқи таҳдидлар тўғрисида содир бўлаётган маънавий-мафкуравий бўшлиқни тўлдирishда хато, камчиликларга йўл қўймоқдамиз.

Мамлакат раҳбари ана шу муаммоларни маънавият-маърифат орқали ҳал этишга барчамизни давват этмоқда, жамият ҳаётининг барча хато-камчиликларини, ватанпарварлик, Миллий ғурур, Маънавият каби учта буюк кучга суяниб ҳал қилишни тавсия этмоқда.

Албатта, ушбу уч буюк куч бир-бири билан

увзий боғлиқ ва уларни алоҳида тушуниш мумкин эмас. Назаримизда, қайта-қайта таъкидланаётгани каби, энг аввало, ҳар бир фуқарода юксак ватанпарварликни тарбиялаш ўта муҳимдир.

Хўш, Ватанни севиш, ҳар бир юртошимизда юксак ватанпарварлик туйғусини шакллантириш учун нима қилишимиз лозим? Менинг назаримда, бунинг учун, энг аввало, ватани сўзда эмас, амалда севиш, ардоқлаш лозим.

Ватанпарварлик куруқ гаплар, чиройли шиорларни ёдлаб олиш, билишадиганга иборат эмас. Аслида, ватанни севиш, том маънодаги ватанпарварлик улар ҳақидаги билим ва тушунарларни ҳаётга татбиқ этишдир. Ватанпарварлик,

# Халоскор куч

Ватанни севиш масъулияти, шунингдек, ҳар биримиздан ўз тарихимизни билишни, уни мукамал ўрганишни талаб этади.

Шу маънода, мамлакат раҳбарининг «Ўзбекистон тарихи» телеканалини ташкил этиш тўғрисидаги қарорини ёшларимизда юксак ватанпарварлик туйғусини шакллантириш йўлидаги яна бир дадил қадам сифатида баҳолаш мумкин. Буюк келажакни барпо этиш, дунё тобора глобаллашиб бораётган ҳозирги шароитда ўзлимизни йўқотиб қўймаслигимизнинг асосий шarti ҳам мазоийга қараб иш юритиш, шонли тарихимиздан маънавий-руҳий қувват олишдир. Шундай шароитда айрим технократик тафаккур тарзига эга ватандошларимизнинг миллий тарихимизга беписандларча муносабатини тушуниш қийин.

Айни пайтда тарих – буюк тарбиячи. Албатта, тарихимиз зафарларга, ютуқларга бой. Шу билан бирга, минг йилликлардан иборат тарихимизда, афсуски, кўплаб хато, камчиликлар ҳам йўқ эмас. Абдурауф Фитрат «Юрт қайғуси» асарига шундай дейди: «Эй, ... арслонлар улқаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг? Эй, ... Темурларнинг, Ўғизларнинг шонли бешликлари! Қани у чидқининг юксак ўринлар? Қўлиқ чуқурларига недан тушдинг? Дунёни «урх»лари билан титратган йўлбарс юракли болаларнинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратурон тоғ гавдали ўёлонларнинг қани? Нечун товушлари чиқмайдир?»

Ватанпарварлик, аслида, бугунги кундаги «арслонлар», «йўлбарслар», «мард ўёлонлар»ни тарбиялаш учун керак. Бундай ўёлонлар ҳар доим, ҳар қандамда ватан манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишга қодир, унинг учун ватанпарварлик – маънавий бурч, садоқат рамзи.

Даврлар синовидан ўтган бир ҳақиқат бор: ёшларимизда миллий ғурурни шаклланти-

масдан туриб юксак марраларга эришиш мумкин эмас. Ғурур – ҳар биримизда қадр-қиммат, иззат-нафс, номус-ор каби фазилатларнинг пайдо бўлиши, ўзимизни-ўзимиз ҳурмат қилиш ҳиссидир. Ғурур инсоннинг юксак маънавият эгаси эканлигидан далолат беради.

Биз бугун бутун дунёда ота-боболаримиз яратган кашфётлар, улар қолдирган бебаҳо илмий, маданий меросдан ғурурланишга тўла ҳақи бор миллимиз. Биз IX-XV асрларда Шарқ Уйғонинг даврининг қоқ марказида туриб, жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган ва наҳон ғурур, ифтихор туйғусини туйган халқимиз. Бундан минг йил аввал, ўн биринчи асрда буюк аллома ва мутафаккирларимиз томонидан 30 дан ортиқ

масдан туриб юксак марраларга эришиш мумкин эмас. Ғурур – ҳар биримизда қадр-қиммат, иззат-нафс, номус-ор каби фазилатларнинг пайдо бўлиши, ўзимизни-ўзимиз ҳурмат қилиш ҳиссидир. Ғурур инсоннинг юксак маънавият эгаси эканлигидан далолат беради.

Биз бугун бутун дунёда ота-боболаримиз яратган кашфётлар, улар қолдирган бебаҳо илмий, маданий меросдан ғурурланишга тўла ҳақи бор миллимиз. Биз IX-XV асрларда Шарқ Уйғонинг даврининг қоқ марказида туриб, жаҳон тамаддунига бебаҳо ҳисса қўшган ва наҳон ғурур, ифтихор туйғусини туйган халқимиз. Бундан минг йил аввал, ўн биринчи асрда буюк аллома ва мутафаккирларимиз томонидан 30 дан ортиқ

илм йўналиши фан сифатида шакллантирилган. Бундай мисолни яна қайси юрда учратиш мумкин?

Бебаҳо қўлёмалар, жумладан, Мухаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино ва бошқа қомусий алломаларнинг асарлари кейинчалик қўлаб Европа тилларига таржима қилинди ва Европа Уйғонинг даври жараёнига жиддий ижобий таъсир кўрсатди. Ғарб Уйғонинг даврининг пайдо бўлиши юртимиздаги илм-фан, маънавият тараққиёти билан бевосита боғлиқ эканлигидан нега ғурурланмаслигимиз керак?

Аммо миллий ғурур фақат ўтмишга, аждодлар меросига маҳддд бўлиб юришининг ўзи билан чегараланмайди. Агар биз ҳақиқатдан ҳам юртимиздан етишиб чиққан ва жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшган ватандошларимиз билан фахрланар эканмиз, унда масаланинг яна бир томонини ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозим. Биз бугун буюк аллома ва мутафаккирларимизга арзирли авлод бўлдимки, уларнинг оламшумул ишлари, кашфийётларини давом этиришга шайимизми? Масаланинг шу жиҳатлари эътиборга олинб, Президент мактаблари, иқтидорли ёшларни кашф этадиган ижод мактаблари ташкил этилмоқда.

Бугун ҳеч нарсага осонлик билан эришиб бўлмайди. Ватани, ўз тумани, вилояти, маҳалласи, оиласи олдида масъулияти бўлмаган, ғурури йўқ инсон бу дунёнинг қийинчиликларида дош бера олмайди. Мамлакат раҳбари Ўзбекистонини 2030 йилда дунёнинг энг ривожланган 50 та давлати қаторига қўйишдан иборат катта стратегияни ишлаб чиқди. Миллий ғурури йўқ, масъулиятсиз, ўзини қийнамайдиган одамлар билан бу вазифани бажариш асло мумкин эмас.

Мутафаккирларнинг шундай фикри бор: бу дунёдаги энг катта хиёнат инсондаги қўлайликка мойиллик ҳиссидир. Афсуски, бугун жамиятимизда, айниқса, ёшларимиз орасида ана шу қўлайлик ортидан қуваетанлар кам эмас. Қўлайликка мойиллик, аслида, ғурури йўқ одамда пайдо бўлади. Шунингдек, бундай одамлар

ҳар қандай ташаббусдан, янгиликдан қўрқадик, чунки, ташаббус ва янгилик ундайларнинг тинч-осуда ҳаётига раҳна солиди, безовта қилди. Мамлакатни ривожлантириш, ҳаётимизни обод, одамларни бахтли қилишнинг энг муҳим шarti ҳам уларда миллий ғурурни шакллантиришдан иборатдир.

Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган биринчи кунданок барча соҳаларда тўлғаниб қолган хато, камчиликлар, муаммоларни ҳал этишнинг энг ишончли йўли сифатида маънавият ва маърифат масалаларига катта эътибор қаратди. Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда маънавият масаласига бўлган қарашларимиз моҳиятан, концептуал дара-

жада ўзгарди. Авваллари маънавият, маърифат деганда, биз кўпроқ назарий масалаларни эътиборга олганмиз.

Бугун маънавият ва маърифат масаласида амалий жиҳатлар устуворлик қилмоқда. «Маънавият, – дейди Президентимиз, – бу эл-юртга, Ватанга садоқатни аввало, амалий иш билан исботлаш, фидойи бўлиш, виждон ва диёнат де-

**Инсоннинг инсонлиги унинг ўз қусур ва нуқсонларини кўра билиши ҳамда уларни бартараф этишга интилишидир. Бунинг учун эса, энг аввало инсон ўз тафаккур тарзини ўзгартириши лозим. Биз бугун янгилаётган Ўзбекистонни қурмоқдамиз. Бунга барчамиз шайлигимизни билдиришимиз. Бу жуда яхши. Аммо шу ўринда бир нарсани унутмаётганга ўхшаймиз: ахир, янги жамиятни эски тафаккур билан қуриш мумкинми?**

гандир». Дарҳақиқат, тан олиб айтишимиз лозимки, жамиятимизда энг етишмаётган ижтимоий ҳодиса – бу маънавиятдир. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бунинг сабаби, маънавиятли бўлишнинг қийинлигида.

Биз илгари маънавият деганда кўпроқ чиройли гапирадиган, шеърлар ўқийдиган, пўрим кийим кийиб юрадиганларни назарда тутар эдик. Бугун эса маънавиятли инсон деганда ўзининг амалий ишлари билан жамиятга хизмат, одамларга яхшилик қилмайдиган, тарбияси оғир ёшларга сабоқ берадиган маҳалла оқсоқолини, ҳурмати балан отахон-у онахонларни, ўз пешона тери билан топган бойлигидан кўчасига асфальт ётқизган фермерни, тадбиркорлик тўғрисида ўз қишлоғида янги иш ўринлари яратган ишбилармонни, удабуронлиги тўғрисида хориждан инвестиция киритган ҳоким ёки элчини, ўз ишига масъулият билан қараган, болаларимизга замонавий билим беришдан чарчамайдиган ўқитувчини тушунамиз.

Бугун, менинг назаримда, маънавиятли ин-

сон бўлолмаётганимизнинг сабаби айрим одамларда сабр ва чидам йўқлиги, ҳаётда учраши мумкин бўлган қийинчиликлар олдида довдираб қолаётганликларидир.

Маънавият ва маърифат тўғрисида мулоҳаза қила туриб, мен кўпинча мамлакат раҳбарининг ушбу феномен ҳодиса бўйича билдирган фикрларининг том маъноси, моҳиятини ҳали тўғри тушунаётганимизни англадим. Президент таъбири билан айтганда, маънавият – бу барча соҳаларда шахсий ва умуммиллий манфаатларни уйғунлаштириш имкониятидир. Маънавият айрим одамлардаги қўзғабумачиликларнинг олдини олади, хатолардан қочишни эмас, уларнинг олдини олишни ўргатади, ҳар биримизнинг ўзимизни англашга қўмақлашади.

Инсоннинг инсонлиги унинг ўз қусур ва нуқсонларини кўра билиши ҳамда уларни бартараф этишга интилишидир. Бунинг учун эса, энг аввало инсон ўз тафаккур тарзини ўзгартириши лозим. Биз бугун янгилаётган Ўзбекистонни қурмоқдамиз. Бунга барчамиз шайлигимизни билдиришимиз. Бу жуда яхши. Аммо шу ўринда бир нарсани унутмаётганга ўхшаймиз: ахир, янги жамиятни эски тафаккур билан қуриш мумкинми?

Хўш, нима учун бу гапни бошладик? Гап шундан иборатки, бугун юртимизда содир бўлаётган улкан ўзгаришлар, ислохотлар мазмун-моҳиятини билмаган, тараққиётнинг сабабларини англамаган одамнинг тафаккур тарзи янгилашни мумкинми? Асло йўқ. Тафаккури янгиланган одамгина бугун жамиятга содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар моҳиятини онгли равишда англаши, таҳлил қилиши мумкин.

Мамлакатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир чиқишида, нутқ ва маърузаларида ўзбек миллий маданияти ва маънавияти жаҳон тамаддунига катта ҳисса бўлиб ўшганлигини эътироф этади. Шунинг учун ҳам биз бугун дунёдан кўп нарсани ўрганишга тайёрмиз ва ўрганишимиз ҳам. Аммо маънавият ва маърифат соҳасида дунё биздан ўрганиши мумкин. Масалан, эркинлик борасида, ҳар бир ўзбекининг эрки унинг ота-онаси, маҳалласи олдидаги масъулиятдан улуғ эмас. Агар биз турли таъсир, таҳдидлардан холи бўлган ҳолда ана шу масъулиятни яна қайтадан тиклай олсак, унда миллий қадриятларга беписандлик, боқимандлик, маҳаллийчилик, ғуруҳбозлик, оилавий ажралишлар, ўз жонига қасд қилишлар, одам савдоси, енгил йўллар билан бойлик орттириш, ахлоқсизлик каби иллатларни бартараф этган бўлар эдик.

Албатта, биз бугун демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий, фуқаролик жамиятини барпо этмоқдамиз. Қонун устуворлиги барчамиз учун баробар. Ана шундай шароитда бугун барчамизни ҳалокатдан қутқариб қоладиган, мамлакат ривожланишининг бардавомлигини таъминлайдиган куч – бу маънавиятдир.

Абдуҳалил МАВРУЛОВ, тарих фанлари доктори, профессор



**Яқин орада Сирдарёга йўли тушмаган юртдошларимиз бугун бир неча йил олдин кўрган жойларини таний олмаслигини аниқ. Вилоят маркази – Гулистон шаҳрини қўя туринг, туманнинг олис ҳудудлари қиёфаси ҳам файзга бурканган. Тадбиркорлик, унинг ортидан янги иш ўринларининг пайдо бўлиши натижасида ҳар бир хонадонга, бунинг ортидан ҳудудга барака инмоқда.**

Бу ўзгаришлар, табиийки, фаолиятга давр нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ёндашишни тақозо этмоқда. Хусусан, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, жамоа шартномалари орқали ишловчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳи-

далари ва талабларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда меҳнат муҳофазасига оид камчиликларни иш берувчилар ва бошланғич касба уюшмаси кўмиталари билан ҳамкорликда бартараф этиш ўта муҳим масала бўлиб, пировард мақсадга эришиш ўта синчковлик

розилигини олиш талаби, иш берувчининг айби билан ходимга ҳақ тўлаш белгиланган мuddатларга нисбатан кечиккани учун жавобгарлик масалалари, иш берувчининг ташаббуси билан ходимни бошқа ишга ўтказиш чегараси йил давомида 60 кундан ошмаслиги, асосий ва узайтирилган таътиллари берилиши каби масалаларга ҳуқуқий ечим топилоқда.

Ҳаётдан рози, рўзғори бут, эртанги кундан кўнгли тўқ кишиларгина ишда самарали фаолият кўрсатади. «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастури доирасида жамоа шартно-



**Рустамбек ТУРСУНМУРОДОВ**, Сирдарё вилояти касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси


фаолиятини янада фаоллаштириб юборди. Хусусан, кўҳна Хоразм воҳаси бўйлаб 142 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларининг бепул саёҳатлари ташкиллаштирилди. Бундан ташқари, Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз каби тарихий шаҳарлар ва Муस्ताқиллик йиллари барпо этилган иншоотларга 4810 нафар ходим саёҳат қилди.

Ишчи-ҳодимлар фарзандларини соғломлаштириш бўйича бажарилган ишлар ҳам касба уюшма аъзоларини мамнун этмоқда. Зомин туманининг Қўриқ қишлоғидаги барча қулайликларга эга бўлган замонавий «Зомин» номли болаларни соғломлаштириш оромгоҳи йил давомида фаолият юритади.

Бу йилги ёз мавсумида вилоятда 5 минг нафар бола, шундан икки минг нафари стационар, уч минг нафари кундузги оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилган эди. Амалда эса қарийб икки ярим минг нафар бола стационар оромгоҳларда, 12 минг 400 нафар бола кундузги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Зиё тўла масканнинг файзи бошқача бўлади. Эзгу мақсад йўлида ҳаракатда бўлган ходимлар ташаббуси билан бирлашма ўз кутубхонасига эга бўлди. Бу орқали ходимларимиз маънавияти ошиши ва дам олишига, қолаверса, касба уюшмасига юмуш билан келган инсонларнинг китоб ўқишига шароит яратилди.

**Бугун вилоят ақли энг улғ ва энг азиз айём – Муस्ताқиллик байрамини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу жараёнга вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ходимлари ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиш мақсадида жўшқин меҳнат қилмоқда.**



**Ғузур туманидаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Гулрухсора Азизова ҳамда шу муассасада психолог бўлиб ишловчи Анара Жиянбоева 2018 йил сентябрдан тўғиш таътилига чиқишган эди. Шу йил июль ойида улар ўз иш вазифасига ишга қайтмоқчи бўлиб, мактаб директориغا мурожаат қилишди.**

**Касаба уюшма аралашуви билан**

## Қонуний ҳуқуқи тикланди

**М**урожаат тегишли тарзда қондирилмаган, бундан норози бўлган ходимлар касба уюшмаси туман кенгашига шикоят аризаси ёзишди.

Ариза ўрганиб чиқилиб, мактаб директори Меҳнат Кодексининг бир қатор моддаларида 2 ва 3 ёшгача бола парваришланган оналарга қўшимча имтиёзлар берилгани ва иш берувчи бу талабларни бажариши шартлиги, жумладан, Кодекснинг 234-моддасида бола парваришланган даврида аёлни иш жойи сақлашни белгиланган бўлиб, бу аёлга истаган вақтида ўз ишига чиқиб ишлаш ҳуқуқини бериши кўрсатилгани, бундан ташқари, Жиноят кодекси 148-моддасининг иккинчи қисмига кўра, аёлни ҳимоя қилишга ёки иш болини парвариш қилаётганини билади туриб, уни ишга олишдан ғайриқонуний равишда бош тортиш ёки ишдан бўшатиш энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баробаригача миқдорда жазима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч йилгача ахлоқ тўзатиш ишлари билан жазоланиши белгилангани хусусида тақдимнома киритилди.

Касаба уюшма ташкилоти киритган тақдимнома асосида иш берувчининг буйруғи билан Г. Азизова ва А. Жиянбоевага декрет таътилидан олдинги иш ўринлари берилди.

Шу тарихда тармоқ касба уюшмаси туман кенгаши аралашуви билан ходимларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

**Эшпарда НИЁЗОВ**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Ғузур тумани кенгаши раиси

**Қонун лойиҳаси муҳокамада**

# Эл розилиги йўлида

моя қилиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, улар касба уюшмасига аъзолик афзалликлари тарғиботи самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Буни шу кунга қадар 199 та корхона ва муассасадаги 2491 нафар ходим касба уюшмаси аъзоси бўлгани ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари жамоа шартномаларини тузиш орқали ҳимояга олингани ҳам тасдиқлаб турибди.

Маълумки, ўз ҳуқуқларини тўлақонли тушунган фуқароларгина жамиятда муносиб ўрин топади. Шу боис, Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлими раиси кўламда тушунтириш ишларини амалга оширмоқда. Ўтган давр давомида фуқаролардан 104 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 90 тасига йўл-йўриқлар берилди, 6 таси қаноатлантирилди. Ҳуқуқи тикланган шахслар 4 нафар бўлиб, 30 миллион 379 минг 615 сўм ундирилиши орқали уларнинг бўзилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш дунё бўйича долзарблигича қолмоқда. Техника, саннат, ёнғин ва йўл ҳаракати билан боғлиқ хавфсизлик қои-

ва эътиборликлари талаб қилади. Жумладан, «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» шiori остида 24 марта давра суҳбати ва семинар-тренинглари ташкил қилинди ва уларда 1478 нафар киши қатнашди.

Ишонч ва назорат уйғунлигига эришилган жойдагина кўнглидагидек натижага эришиш мумкин. Айнан шу қоидадан келиб чиқиб, ўтган даврда 20 марта касба уюшмаларига аъзо ташкилотларда ўрганишлар ўтказилди ва 209 та меҳнат муҳофазасига оид меъёр бузилишлари аниқланди. Иш берувчиларга 17 та тақдимнома киритилди. 187 та камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига муваффақ бўлинди.

Кези келганда таъкидлашни истардимки, вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат жамоаларида қабул қилинган 8089 та жамоа шартномалари орқали ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари манфаатлари ижтимоий шериклик асосида ҳимояланаётган.

Шу тарихда адолат устуворлиги таъминланиб, ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишдан олдин касба уюшма кўмитасининг

малари орқали касба уюшмалари ва иш берувчининг маблағлари ҳисобидан 3986 та корхона ва ташкилотда 6263 нафар ходимга 899,5 миллион сўмлик ижтимоий кўмаклар берилгани ана шу мақсадларга хизмат қилади.

Жамоа келишувларида меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари аниқ ифода этилган, ходимларнинг иш вақти ва дам олиш вақти масалаларига эътибор берилиб, узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллари ўрнатилган.

Ҳисобот даврида вилоятда ўтказилган 52 та «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркаларида» касба уюшмалари ташкилотларининг фаол иштироки таъминланиб, 3419 нафар кишига ишга жойлаштириш учун йўланмалар берилиб, шулардан 1579 нафари бандлик мақомига эга бўлди.

Касаба уюшмалари вазифаларидан бири, бу иш ҳақидан мuddати ўтган қарздорликка йўл қўймаслик бўлиб, ўтган даврда қарздорлик ундириш мақсадида масъулларга мурожаатлар қилиниб, ўз вақтида тўланмаган 103 миллион 8 миллион сўм иш ҳақи тўлаб берилишига эришилди.

Меҳнатқашлар саломатлиги ҳақида қайғуриш ва уни тиклашга кўмаклашиш ҳам эътибор марказида бўлиб, шу йилнинг олти ойи давомида касба уюшма бюджет ва ижтимоий суғурта бюджет маблағлари ҳисобидан 745 дона санаторий йўланмалари ишчи-ҳодимлар ва уларнинг оила аъзоларига берилди.

Фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг ишлайдиган аъзолари, кам таъминланган, кўп болали ҳамда олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшовчи оилаларнинг аёллари, ишлайдиган пенсия ёшидаги кексалар, фарзанд кўрмаган ишловчи ёшлар бепул соғломлаштирилди.

«Соғ танда – соғлом ақл» дейди доно халқимиз. Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмизки, «Спорт – саломатлик гарови», «Соғлом оила» спартакиадалари аъзолар ўртасида кенг қўл очиб ёйгани барча жабҳаларда самарадорликка эришишда қўл келмоқда.

Ҳеч бир муболағасиз айтишимиз мумкинки, юртимизда туризм ҳам иқтисодий, ҳам маънавий наф келтирувчи соҳага айлиб улгурди. Айниқса, ички туризмни ривожлантиришга оид қарор ва фармонлар касба уюшмалари



**Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида бўлиб ўтган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган давра суҳбатида кўплаб мулоҳаза ва таклифлар билдирилди. Унда вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, ҳуқуқ-тарғибот органлари, ҳамкор ташкилотлар, сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари вакиллари, касба уюшма фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.**

**ТАРТИБ БЕЛГИЛАНСИН**  
**Камолжон БЕКЖОНОВ**, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари:

Қонун лойиҳасининг 9-моддаси учинчи хатбосида касба уюшмасига аъзоликка кириш ёки ундан чиқиш, шунингдек, меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин касба уюшмасида аъзоликни сақлаб қолиш тартиби тегишли касба уюшмасининг устави билан тартибга солиниши кўрсатилган. Мен унга қўшимча сифатида бир касба уюшмаси аъзолигидан иккинчи касба уюшмаси аъзолигига ўтиш тартиби ҳам тегишли касба уюшмасининг устави билан белгиланиши лозим, деб ҳисоблайман. Чунки амалда бир тармоқ тасарруфидоги бошланғич ташкилотларнинг бошқа тармоқ тасарруфига ўтиш ҳолатлари учрамоқда. Бирок бу қонун билан тартибга солинмаган.



**Камолжон БЕКЖОНОВ**, Хоразм вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси ўринбосари

Бундан ташқари, 18-моддада касба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ва ташкилотларининг давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисобга қўйиш тартиблари кўрсатилган. Фикримча, юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлмаган ва тегишли касба уюшмалари бирлашмалари таркибига кирувчи касба уюшмаларини ҳисобга қўйиш корхона, ташкилот жойлашган ҳудуддаги тегишли касба уюшмаси бирлашмаси рўйхатга олиш органида амалга оширилиши керак ва қонунда ҳам шу тартибда акс этиши лозим. Ҳозир амалиётда ташкилот, компаниялар шахар ва туманларда ўз филиалларини ташкил этган (субсчёт) бўлиб, у ерда кўп сонли ходим хизмат қилади. Аксариятининг бош ташкилоти марказда жойлашган. Филиаллардаги тузилган бошланғич касба уюшма ташкилотлари ҳам бош ташкилотнинг юридик мақомга эга касба уюшма кўмитасига бирлаштирилган. Бу, ўз навбатида, ушбу филиалларда меҳнат қилаётган ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлашда, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишда бир қатор муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ходим учун ўзи иштирок қилаётган ҳудуддаги касба уюшмасига аъзо бўлиши унга кўплаб қулайлик ва имкониятлар яратади.

Илгари амалиётда бюджет ташкилотларининг сметаштат жадвалларини тузишда қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Меҳнат кодекси талабларига, айниқса, иш вақти ва меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларига мос келмаслиги сабабли айрим муаммолар келиб чиқиш ҳолатлари учраб турарди. Жумладан, қонун асосида меҳнат муносабатларини юритган иш берувчиларнинг ҳаракатлари мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиш ва бюджет маблағларини растрата қилиш сифатида баҳоланиб, ходимларнинг ҳақидатда ишлаган вақтига ва ишдан ташқари ишлаган даврлари учун ҳақ тўланмай қоларди. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида узлуксиз фаолият кўрсатадиган иш жойларига штатлар сони ўқувчилар, беморлар, ўринлар сони билан боғлиқ тарзда белгиланади. Ходимлар жадвал бўйича, навбат билан ишга жалб этилади. Оқибатда ходимлар қонунда белгиланган вақтдан бир ярим, икки ҳисса кўп ишлатилса-да, амалда бир ҳисса маош тўланади. Қонунда белгиланган меъёрий юмуш вақти учун бундай иш жойларига 4,2 ва 4,6 штат birlikлари зарур бўлади. Барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар касба уюшмалари билан келишилган ҳолда қабул қилинса, қонун устуворлиги таъминланарди.

Қонун лойиҳасида касба уюшмаси аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаш зарурати бор. Чунки касба уюшмалари Уставида белгиланишича, аъзо касба уюшмаси ёрдамидан фойдаланиш, унинг ҳимоясида бўлиш ҳуқуқларига эга. Олти ой аъзолик бадалини тўламаган ходим аъзоликдан чиқарилган ҳисобланади. Лекин касба уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар, айрим ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Аъзолик бадалини тўлашдан бош тортиб тўхтатганига қарамай корхона касба уюшмаси ҳимояси ва ёрдамидан фойдаланаётганлар бор. Ҳар қандай субъект молиявий таъминотсиз ҳаракат қила олмайди. Касаба уюшмаларининг молиявий таъминот манбаи эса аъзолик бадалларидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим

## АЪЗОЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ АНИҚМИ?

**Муяссар РАҲИМОВА**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

Қонун лойиҳасининг 30-моддасига меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишда, албатта, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ёки тармоқ касба уюшмаси билан келишиш шартлиги тўғрисидаги меъёри киритилиши тақлиф қиламан.



**Муяссар РАҲИМОВА**, Таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Илгари амалиётда бюджет ташкилотларининг сметаштат жадвалларини тузишда қабул қилинган айрим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар Меҳнат кодекси талабларига, айниқса, иш вақти ва меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрларига мос келмаслиги сабабли айрим муаммолар келиб чиқиш ҳолатлари учраб турарди. Жумладан, қонун асосида меҳнат муносабатларини юритган иш берувчиларнинг ҳаракатлари мазкур меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни бузиш ва бюджет маблағларини растрата қилиш сифатида баҳоланиб, ходимларнинг ҳақидатда ишлаган вақтига ва ишдан ташқари ишлаган даврлари учун ҳақ тўланмай қоларди. Таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида узлуксиз фаолият кўрсатадиган иш жойларига штатлар сони ўқувчилар, беморлар, ўринлар сони билан боғлиқ тарзда белгиланади. Ходимлар жадвал бўйича, навбат билан ишга жалб этилади. Оқибатда ходимлар қонунда белгиланган вақтдан бир ярим, икки ҳисса кўп ишлатилса-да, амалда бир ҳисса маош тўланади. Қонунда белгиланган меъёрий юмуш вақти учун бундай иш жойларига 4,2 ва 4,6 штат birlikлари зарур бўлади. Барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар касба уюшмалари билан келишилган ҳолда қабул қилинса, қонун устуворлиги таъминланарди.

Қонун лойиҳасида касба уюшмаси аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳам аниқ белгилаш зарурати бор. Чунки касба уюшмалари Уставида белгиланишича, аъзо касба уюшмаси ёрдамидан фойдаланиш, унинг ҳимоясида бўлиш ҳуқуқларига эга. Олти ой аъзолик бадалини тўламаган ходим аъзоликдан чиқарилган ҳисобланади. Лекин касба уюшмаларига аъзолигидан қатъи назар, айрим ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари ҳимоя қилинмоқда. Аъзолик бадалини тўлашдан бош тортиб тўхтатганига қарамай корхона касба уюшмаси ҳимояси ва ёрдамидан фойдаланаётганлар бор. Ҳар қандай субъект молиявий таъминотсиз ҳаракат қила олмайди. Касаба уюшмаларининг молиявий таъминот манбаи эса аъзолик бадалларидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, айрим

давлат молия-назорати органлари бюджет корхоналарида ўтказилаётган текширувларда ходимларнинг аъзолик бадалларини корхона бухгалтерияси орқали ушлаб қолишда ҳар ой тўланган аъзолик бадални учун ёзма аризасини талаб қилиб, Меҳнат кодексининг 164-моддасидаги «фақат ходимнинг ёзма розилиги билан иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин», деган меъёрга таянган ҳолда иш берувчи ва бухгалтерия ходимларига муаммолар туғдирмоқда. Базми корхоналарда эса аъзолик бадалини бухгалтерия орқали ушлаб қолиш ва ўтказиб беришдан бош тортиш ҳолатлари ҳам учраётган. Шу боис, касба уюшмасига аъзолик ихтиёрий, лекин бадалини тўлаш мажбурийлиги қонун билан белгилаб қўйилса, бу каби муаммоларга чек қўйилган бўлар эди.

## КОЛЛЕГИАЛЛИК ПРИНЦИПНИ КИРИТИШ КЕРАК

**Шокир АЛЛАБЕРГАНОВ**, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси:

Бизнингча, касба уюшмалари фаолиятининг асосий принципларига коллегиялик принципини киритиш керак. Қонун лойиҳасига кўра, олий ва ўрта-маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олаётган 15 ва ундан катта ёшдаги шахслар касба уюшмаларини тузиши мумкинлигини инobatта олиб, қонуннинг 56-моддасида белгиланган кафолатлар касба уюшма аъзоси бўлган талабаларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллашда ҳам таътиб этилишини кўрсатиб ўтиш лозим.



**Шокир АЛЛАБЕРГАНОВ**, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

## АЪЗОЛИККА ЭЪТИЁЖ ҚОЛМАЙДИМИ?

**Гўлном АМИНОВА**, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси:

Қонун лойиҳасининг 9-моддаси 4-хатбосида фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўқинлик қилишга, шунингдек, уларни касба уюшмаларига аъзоликка киришга мажбурлашга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Бу яхши, албатта. Шундан келиб чиққан ҳолда 5-моддага янги 3-хатбоси киритишни тақлиф қиламан. Унда фуқароларнинг касба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини амалга оширишга тўқинлик қилганлар жавобгарликка тортилиши кўрсатилиши лозим. Қонун лойиҳасининг 51-моддасида касба уюшма инспекторларининг ҳуқуқлари кўрсатилган. Унда билдирилишича, инспектор касба уюшмаси

мавжудлигидан қатъи назар, ташкилотга, иш жойларига тўқинликсиз кириш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Мен ушбу бандни янада тўлдиришни, яъни «касаба уюшмаси мавжудлигидан қатъи назар, ходимнинг яқка тартибдаги аъзолиги бўйича» жумласини киритишни тақлиф қиламан. Чунки касба уюшмаларига аъзо бўлмаган ходимлар манфаатларини ҳам ҳимоя қилаверса, уларда аъзоликка кириш эътиёжи қолмайди.



**Фозил БОЛТАЕВ**, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси:

## НОҚОНУНИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНЛАРИ ТУЗИЛИШИНИ ТАҚИҚЛАШ КЕРАК

**Фозил БОЛТАЕВ**, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси:

Мен қонун лойиҳасидаги «яқка тадбиркорлик» тушунчасини «тадбиркорлик билан шуғулланувчи» жумласи билан алмаштиришни тақлиф қиламан. Zero, тадбиркорлик субъектларига ушбу фаолият билан барча шуғулланувчилар кирди.



**Гўлном АМИНОВА**, Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш ташкилотлари бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси

Қонун лойиҳасининг 28-моддасида белгиланган касба уюшмаларининг ҳуқуқларини янада кенгайтириш мақсадида мувофиқ Жумладан, касба уюшмалари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида прокуратура органларига тақдимнома киритиш ва судларга даъво аризаси билан мурожаат қилиш ҳамда суд жараёнларида ходим манфаатини қўзғалган ҳолда иштирок этишга ҳақлилиги кўрсатилиши лозим.

Қонун лойиҳасида айрим жумлаларда аниқ мuddатлар кўрсатилмаган. Масалан, 35-модда, 35-хатбосидаги «имкон даражасида қисқа мuddатда берилиши» жумласига аниқлик киритиш лозим.

Қонун лойиҳасидан «бошқа вакиллик органлар» тушунчасини олиб ташлаш керак деб ҳисоблайман. Чунки ушбу қонун айнан касба уюшмалари тўғрисида бўлиб, бошқа органлар ҳуқуқларини ифодалаш нотўғри.

Бундан ташқари, қонун лойиҳасига корхона, ташкилот ва муассасаларда амалдаги қонунчиликка мувофиқ, ишчиларнинг давлат рўйхатидан ўтмаган ноқонуний вакиллик органлари тузилишини тақиқловчи модда ёки бандлар киритилиши зарур.

**Мўҳаббат Тўрабоева**, «ISHONCH» ёзиб олди

**МУҚАДДИМА**

Улуғ офтоб билан келдик рўбару,  
Хур нур ила бирдек ташладик қадам.  
Кучди олабий шон,  
мартаба, обрў,  
Олам аро Олам – Ватан муаззам!  
Бугунги лаҳзалар ўлнови чексиз,  
Вақт ҳисоб-китобда адашгай ҳатто.  
Уй-жой, иншоотлар, йўллар мислсиз,  
Ақл-у фан, тафаккур эрур раҳнамо!  
Қайдаким озодлик ва тинчлик – ҳикмат,  
Қайда эркин меҳнат, устувор илҳом.  
О, ўша жойдадир инсоний қиммат,  
О, ўша жойдадир иззат, эҳтиром!  
Тугдона дарахтин томири пайдор,  
Метин қояларнинг ҳаёти боис.  
Шундай, Ўзбекистон, халқим бунёдкор,  
Теран кенгликларни бўйлайди олис!  
Дунёда ҳеч бир халқ – айтаман очиқ, –  
Нонни қадрламас халқимдек менинг.  
Шу учун, энг аввал, кудрати холиқ  
Бахтин дондай азиз қилсин халқимнинг!  
Бу кун заковати – бу кун шиддати  
Олдида Фарҳодлар келтирилмас шак.  
Янги кўприкларнинг янги талъати,  
Кўнгилларга сурур бағишлар бешак!  
Шимолдан Жанубга ва Шарқдан Ғарбга  
Қизилқум, Қорақум – уфқлар оша,  
Овин қувлаётган йўлбарсдек зарбда –  
«Афросиёб» манзил томонлар шошар!  
Булуғ орасидан учганча келиб,  
Темир йўллар узра бургутдек гўё,  
Қамчиқни қоқ ёриб, Водийга елиб  
Поездлар учеди, айланар дунё!  
Уч тулпор!  
Беҳиштни оралаб кетар,  
Юлдуз гулларини сочмишир осмон.  
Шоир шеърларини ҳикматдек битар:  
Фавворалар кўкка отилган тугён!  
Оналар сандиғин сепини ёйиб  
Кўрсатгани каби қуда-андага,  
Жавзо шамоллари эсдилар голиб,  
Оқсарой сирларин очди дунёга!  
Устюрт кенгликларин... бу сахро эмас,  
Саноатимиз қурч хазиналари.  
Зарбдор мажмуалар келажакка хос,  
Шу ерларда бунёд бўлгандир бари!  
Собит йўлда талмас собитсиз Сардор,  
Унинг билан боқий жон пайваста халқ.  
Унинг йўлларидан не эрур пойдор,  
Давлатбоши ила камарбаста халқ!  
Ватан ўғлонлари, қайроқ қизлари,  
Спорт мактабларин ёш тугдорлари,  
Кўрсатмоқда асл, алп ўзбегин,  
Бугун улар Ватан ифтихорлари!  
Баҳор такрор-такрор, бетакрор лекин,  
Одам юрган йўллар янги ҳар қачон.  
Ватан эртасининг чин ҳақиқатин  
Башар кўз олдида этар намоён!  
Ҳаво лайнерлари шиддат-ла учар,  
Вақт учар шиддат-ла бамисли чақин.  
«Ким эдиг-у ким бўлдиқ» – уй оқочар, –  
Шўр ўтмиш баъзида келади яқин!  
Муштабид тузумнинг тўр ёлгонлари  
Ураб-чирмаб олган эди ҳар ённи.  
Қизил шорларнинг кир алвонлари  
«Безаб» турар эди ҳатто ёбонни!  
Бир бошдан сўзламоқ эмасдир пайти,  
Ўтган у кунлардан сабоқ олсак, бас.  
Авлодларим, қалқинг, баралла айтинг:  
Муштақиллик боқий бўлсин ҳар нафас!

**ШАРАФНОМА**

Сени шарафлайман Замондош авлод,  
Сени шарафлайман Замондош наслим.  
Турфа гуллар тутиб турибди ҳаёт,  
Дуоғўйдир улуғ аждодим – аслим.  
Мағрибий Теншон соф ҳавосининг биллурий йўллари-оқими аро  
Toshkent City тикка кўтармоқда қад,  
Менинг Осиёда бугун ягона!  
Азалий қонида эрур Ўзбекнинг,  
Эмиш, у бойиса қурар иморат.  
Кўрингим, ҳаттоки сўми-пулида  
Кўш-қўш иморатлар – танга ҳарорат.  
Кўҳна «Регистон»-у «Темур музей»,  
«Олий Мажлис», «Сенат» бинолари жам.

Уларни бағрига босиб яради  
Дунёнинг у бурчи, бу бурчида ҳам.  
Бахт – сандиқда, калит – осмонда эмас,  
Бугунги лаҳза, кун, ойлар гувоҳдир.  
Ким вақти, умрини ўтказса зое,  
Вақт – унинг душмани, умри гумроҳдир.  
Улуғ ҳодисотлар юз бермас ҳар кун,  
2018. Етилди фурсат.  
Замон – ҳамроҳ алға кетган инсонга,  
Кўртбоши қалбида меъморий шиддат!  
«Toshkent City» шаҳар ичида шаҳар,  
Бошланди, қурмоқлик – яратмоқ демак.  
Бир шаҳар бўлганди, кеча-кундузи  
Кўкдан тушиб муқим қолғай камалак.  
Соҳибқирон Темур – буюк бинокор  
Бобомнинг руҳлари миннатдор бугун.  
Оқ-оппоқ булуғлар ичинда кезар,  
У азиз халқимга мададор бугун.  
Сени шарафлайман Замондош авлод,  
Сени шарафлайман Замондош наслим.  
Турфа гуллар тутиб

**КРАНЧИ ҚИЗ**

Одам эрсанг ташқи суратга берма зеб,  
Она Юртингни ҳаммаша айла зеб.  
**Анбар Отин**  
Ер-у кўк айланар ўз теғрасида,  
Ҳеч қачон, ҳеч кимга бермайди ҳисоб.  
Лекин Инсоният харитасида  
Ўз уйи – Ер шарни ҳисобли боб-боб.  
Ватан деб аталмиш макон китоби  
Ўқилур бетма-бет, варақма-варақ,  
Ешгина кранчи қизнинг моҳити,  
Меҳнат-у ҳунардан чақмоқдай ярақ.  
Ҳар кун юксакка кўтарилар у,  
Юлдузга айланар ердан узиллиб.  
Йўқ! Ердан узилмас, унда юмуш мўл  
Ва қанча ташвишлар турар тизилиб.  
Барига улгурар... У осмон қизи.  
Уни шундай атар бутун жамоа.  
Ваҳмкор, ҳайбатли – сариқ крани


аниқ қиёфа.  
Кўноқ адашиб қолмас бир дафта.  
Мана, бу бино доирасимон.  
Тепадан боқсанг зангор кўлсимон.  
Мана, буниси очиқ китобдир.  
Ўқийман, десанг, қават, боб-бобдир.  
Мана, бу «Бобил минораси» – тик.  
Асрлар ошиб

мевалар сархил.  
Бунда Оврупа, Осиё бунда.  
...Ҳозирча, мана,  
У қурилмоқда!


**ПОЙДЕВОР**

«Toshkent City» лойиҳачилари йирик бир муаммога дуч келишди. Замин, ернинг мураккаб геологик структураси, геотехник хусусиятлари...  
**(Матбуот хабаридан).**

Осмоний ва Заминий ҳодисотлар тўқнашар.  
Улар тағ-замирида муаммолар қалашар.  
Ва лекин Инсон ақли – тафаккур – Етакчи, Ечилмас муаммони,  
Қани, менга кўрсат-чи?!  
Пармалар ишга тушди, Ишга тушди бурғулар.  
Заминнинг қат-қатлами Илондайн буралар.  
Ўлжасини кўрганда жимқириб қанотларин,  
Ҳавони ўқдай тилиб шундоқ отилар лочин.  
Ҳа, қирқ беш газ, тағин қаз,  
Элик газ, мана, етар.  
Бундайн қурилмада бинолар осмонлар!  
Бир минор пештоқида Ўқигандим шундай гап:  
«Пойдевор тағин ишла, Иморат умри абад!»  
Бок, пойдеворлар тайёр,  
Пойдеворлар метиндек.  
Улар тағ-саботига Сарҳад йўқдир, йўқдир чек!  
Боис, бирлашиллар фан,  
Тажриба-ю тафаккур.  
Инсон заковатиға олам-олам ташаккур!  
Кун чиқар мамлақати Япониядан келди Дўст!  
Зилзилашунас олим,  
Ўз касбида йўқ кам-кўст!  
Тупроқдаги оддий гил сирининг қўлида.  
Ҳар муаммо ечилур Онг-шуурин йўлида!  
Амриқолик муҳандис Ўзбекка бўлди кўрдош.  
Россиялик инженер Азал-азалий йўлдош.  
Расмадинг ёнингда – Отинг йўлда қолмагай.  
Чин дўстлик, биродарлик Тулпорлари толмагай!  
Қанча иморат бўлса Кўтарар Ўзбек Замин.  
Чин-мочин ерларидан Йўқ, Ташкент Ерин камии!!  
Копенгаген, Сингапур.  
Стокгольм, Токио, Сан-Франциско, Цюрих ерлари наҳот аъло?  
Амстердам, Женева, Мельбурн ёки Бостон,  
«City»лар қуриб бугун Ахир, тилларда достон.  
О, йўқ!.. Ўзбек Замини Аллоҳ назаридадир.  
Ҳар қаричи дуода,  
Назаркардадир Хизр!



**Азим СУЮН**



турибди ҳаёт,  
Дуоғўйдир улуғ аждодим – аслим!

**2018 ЙИЛ, НОЯБРЬ ТАНИШУВ**

«Toshkent City» пойтахтимиз марказидаги 80 гектар майдонни эгаллайди. Фақат бинолар қуриладиган ер сатҳининг ўзи 1 миллион 400 минг квадрат метр.  
**(Матбуот хабаридан).**

Йигирманчи аср,  
Ундан ҳам нари,  
Маҳалла ерлари эди бу ерлар.  
Йиқилиб кетгудай,  
нураб битгудай,  
бетартиб қурилган уйлар, деворлар.  
Кўчалар бурама,  
тор, эгри-бугри,  
ўйдим-у чуқурлар лой куз-у қишида.  
Дуч келиб қолишса икки арава,  
бири кутар эди бир муолишда.  
Камина «Ўқчи»да яшадим уч йил.  
Ижара. Кундуз иш.  
Ўқчи кечкурун.  
...Қуриб бормоқдаман «Toshkent City»га.  
Ўзимча бир достон битмоқлик учун.  
Оҳ-ҳи!  
Тўрт томон қайноқ,  
ҳаммаёқда иш.  
Иш деган ҳам шундай бўлурми, ҳайҳот!  
Ҳар ёнда пойдевор,  
турлик қурилиш.  
Бир бино бўлибди,  
мана, ўн қават!  
Яқинлаб бораман,  
Бир қиз крандан Шошилмай, оҳиста келмоқда тушиб.  
Этларим бижирлаб кетди, ишонинг,  
Қолдим ихтиёрсиз ёқамни ушлаб.  
Боиси, ўзбек қиз,  
ёш, истарали.  
Наҳотки, кранчи бўлса-я шу қиз?!  
Танишдик.  
Наргиза.  
Тушлик қилмоққа тушмоқда экан у.  
Ҳа, кранчи қиз.

Тонналар юкларни ташир бир йўла!  
Кимга бетон керак,  
кимгадир темир,  
Ғишларни басма-бас етказмоқ керак.  
Кўрқув нималигин билмайди қурғур,  
Тўрт ён назарида,  
ҳар лаҳза сергак!  
Наргиза дедики:  
«Мен ўзлимни,  
Тўғриси, ахтариб юрардим кўндан,  
Йўл йўлни топади,  
тополдим уни,  
Самовий маскандан,  
шу кенглик – Кўкдан!  
Чирчиқ водий бўйлаб чиқади офтоб,  
Эпкин, шугъаларга юзим тутаман.  
У меҳнат қилгандир биз билан обдан,  
Шомда хайрлашар... мен ҳам қайтаман».  
Ўз пайти келганда гуллайдди дарахт,  
Наргиза дарахти гуллаган қийғос.  
Унинг тенгқурлари,  
бўлмангиз карахт,  
Арзигаъ сиз унга қилсангиз ҳавас!  
Баъзи адашганлар... шаҳарма шаҳар,  
Сарсон-у саргардон юрғувчилар бор.  
Уларга бегона меҳнат-у ҳунар,  
Саёқ умидлар-у орзулари ёр.  
Алҳазар, уллардан!  
Тўққан ерингда Тўғинг тик ҳаммаша,  
ёниқ чироғинг.  
Унутма, сақлагил,  
қалб-кўкайингда,  
Ватанда бўлгандир бардавом боғини!  
Наргиза! Пишган гил чиннисан Сен,  
Чинниким, биллурий,  
покиза, тоза.  
Аср ХХ!  
Ўзбекистонга Очилган, очилгай ойдин дарвоза!

Бу Шоида «тирик».  
Анов, бинога,  
бир дам қара-чи,  
Очилаётган гул гунчаси у!  
Пирамида, ё,  
Куб, ҳалқа янглиғ биноларга, бок,  
барн нақллик.  
Манов, биналар подъезд – маҳалла.  
Фалаққа қараб,  
тик урар калла!  
Ҳар бири барпо бўлғай пўлатдан рангдор шишалар мустаҳкам, қат-қат.  
«Smart» шаҳарда 4G мобиль интернетига эга бўлмоқ шарт.  
Wi-Fi билан у алоқаларга чақмоқ тезлиги ила боғланар.  
Электр қувват манбаи тоза,  
онлайн зумда соз ярақланар...  
Авто сақланар Smart parkingда.  
Ижараларга берилар осон.  
Бундай шароит тараққиётга муносиб бўлмоқ керакдир Инсон!  
Ҳар бино ичи Фаслларга хос.  
Қиш чоғи иссиқ,  
Ёзда салқин мос.  
Хоналар тоза,  
Ҳаво муътадил.  
Қуёш тик тушмас,  
Кўз қамашмас бил.  
Ҳар бир қаватда Осма боғ, гуллар.  
Росмана дарахт Росмана гуллар.  
Эртаким, дейсан,  
Нагоҳи-баногоҳ,  
Отчилиб ётар,  
Фавворалар, оҳ...  
Қаватма-қават бурама-бурама йўл.  
Пиёда чиқ, ё Лифтда кўтарил.  
«Офис»лар 45-50 қаватли.  
Теғранни қуршар Оп-п-оқ булуғлар Меҳмонхоналар 5 та юлдузли.  
Қулф урар боғлар кеча-кундузи.  
Ресторан, кафе Таомли хил-хил.  
Қиш, кўклам, ёзин

**ҚОРАТОШИЙ САҒАНАСИ**

Маълумотларга кўра Ҳожа Аҳмад ибн Мир Али Шоший Қоратоший 1788-1889 йилларда яшаган. Халқ орасида «Аҳмад Маъдум» номи билан машҳур бўлган. Аҳмад Маъдум томонидан Жиззах, Замин шаҳри, Уратена шаҳар (Тожикистон Республикаси) ва Шайхонтохур туманида 4 та масжид қурилган. Ушбу зот исломий рисолалар ва шеърлар ёзган.

«Toshkent City» аро турар сағана,  
Хўш, нима қилмоқлик керакдир уни?  
У ён-бу ён суриб ташламоқ мумкин,  
Лекин қандоқ сурмоқ... унинг Руҳини?  
Ташкент айланмоқда Мегаполисга,  
Қадим обидалар не бўлар бироқ?  
Теварак айлана улкан биналар,  
Улар ўртасида қабрлар чатоқ...  
Йўқ! Йўқ! Улар қолсин!  
Эслатиб турсин Ташкентнинг кечасин,  
аждоқлар ёдин!  
Хотира, ўтмиш бу,  
Хотира бугун,  
Хотира – келажак, тик қадр, қадди!  
Табаррук азлар бу!  
Улар ҳеч кимни Ҳеч қачон ва асло қилмас безовта!  
Бугун қабулгардай тозадир руҳи,  
«Toshkent City» аро эрур эъзозда!  
Чироқ кўтарганга қай бир халқ, миллат,  
сафининг олдида жой берса агар,  
Уша халқ йўллари донгли, серҳикмат,  
Келажаги эрур ойдин, босамар!

**ПАЙВАНДЧИ БУНЁД**

Эй дўст!  
Не мал-дунё ўтмас даврон илқидан,  
Булуғ соясидир ҳар ганжи аъло.  
Кўрдим, ота-онанг мерос мулкидан  
Қўлнгдаги ҳунар давлати авло!  
**«Эй дўст» китобидан**  
Қадим биналар девори синчли.  
Пойдеворлари

**«TOSHKENT CITY» – «АҚЛЛИ ШАҲАР»**  
Ҳеч иш ўлмас айру Холиқ амридин.  
**Алишер Навоий,  
«Бадоеъ ул-васат»дан**

«Toshkent City» – бу –  
«Ақлли шаҳар».  
Қандай шаҳар у –  
Ақлли шаҳар?  
Ҳар иморатда

бўйрама – тўшам.  
Утди замонлар,  
Келди давронлар,  
Узариб кетди  
бу ашёлар ҳам.  
Арматуралар,  
пўлатли симлар,  
ҳарки оғочни  
қолдиран ортда.  
Ҳар қандай юмуш,  
темирли ҳар иш,  
Моҳир усталар  
қилган пайвандда!  
Кўкка бўй чўзган  
темир устунлар,  
Низоҳингизни  
қилмаганим лол?  
...Пайвандчи Бунёд –  
Нарғиза дўсти.  
Уна бир кун  
айладим савол:  
Қани, ёш дўстим,  
Нима, бу пайванд?  
Нимада эрур  
Пайвандлаш сирин?  
Қоринчаларни  
путанда қандай? –  
Уларни тортар  
маънит сингари?  
Бунёд бир қулиб:  
Шоир бобо, – дер, –  
ҳеч қандай сир йўқ,  
Бор сирин Меҳнат!  
Богбон дарахтга  
қаламчаларни  
пайванд қилгандай  
одатий ҳикмат!  
Тоғда олқорнинг,  
Кийикнинг ёки  
оёғи синса  
қилар давосин.  
Машаққат чекиб,  
Чўққига чиқиб,  
топиб ейишар  
тоғ мўъмиёсин!  
Қарабсиз, синган  
суяклар бутун.  
Чопқир оёқлар  
ўқдайин елар.  
Бизнинг ишимиз,  
пайвандлаш иши,  
мўъмиёлашди  
хўдди шу йўла!  
Ёш бир ишчининг  
бундай жавоби,  
мени ҳайратга  
солганизи рост!  
Офарин, дедим,  
Тасанно, дедим.  
Дедим, шоирлар  
Сендан олсин Дарс!  
...Сўнг Бунёд ишга  
киришиб кетди.  
Нарғиз томонга  
қўйди бир қараб.  
Нарғиз ёқдан ҳам  
кутиб тургандай,  
қизил рўмолча  
қолди хилпираб.  
Темирпайванддан  
таралар учқун,  
гўё Бунёднинг  
қалб ўт-қўрлари.  
Мағрибий тоғдан  
хўдди шу янглиғ  
ҳар тонг ёйлар  
қуёш нурлари.

## КАМОЛОТ ЙЎЛИДА

Йўқ эдилар ҳар неки – бор айладинг.  
**Алишер Навоий**

Чексиз коинотнинг  
изми йўлида  
Қачондир Ер шарини  
эди бус-бутун.  
Сирли-синоатлар  
ўнги-сўлида  
Ерда жараёнлар  
бошланди бир кун.  
Ажралди Замин-Шар  
қитъа-қитъага,  
Уммонлар, денгизлар  
барига кирди.  
Апроқлар сузгандай  
сувар сатҳида  
Сузилар... жараён  
ҳукмин ўтқарди!  
Қавмлар, элатлар,  
миллатлар пайдо,  
Ҳарки Ер, уларни  
айлади Ватан.  
Ҳарки халқ, ўзининг  
Юртига шайдо,  
Уни обод, гўзал  
қилди дафъатан!  
Отамзамон гапи:  
Қай халқ ё миллат  
Камолот кўкига  
интильмасга гар,  
Унинг келажаги  
шўхали албат,  
Унинг келажаги  
девордай нурар!  
Бу учун аввало,  
миллатни миллат  
Килгувчи Бурч,  
Давлат мақоми асос.  
Бу илм-фан эрур,  
бу маданият,  
Бу маърифатдир, чин  
этиқод, ихлос!  
Собит инсонпарвар  
ҳар бир жамият,  
Адолат илдинин  
қилдир пайдор,  
Боқий зафар кучгай  
ўша салтанат,

Юзин қалби ёруғ,  
қимки, ҳукмдор!  
Отлиғ, серғайрат халқ  
пок руҳ, вужудин  
Пайванд қила олса  
Аллоҳ ишқига,  
Ориф, гўзал хулқ-у  
ирфон-у, ҳикмат,  
Бахт-шафқ-зафқ бергайдир  
ўшал кишига!  
Ҳаққи эрур ҳақи –  
хур Ўзбекистон,  
Уни обод қилмоқ  
барчамизга бурч.  
Азим Tashkent City –  
меҳнат – жараён,  
Уни бунёд қилмоқ  
улугвор севинчи!  
**Ўзбекистон кўкиси**  
**Тошкент бўлса гар,**  
**«Tashkent City»**  
**унда юрак муқаррар!**  
Менинг азиз халқим,  
азамат халқим,  
Жўн ва ҳуроқ, бадфеъл  
халқ эмасдир бу!  
Қадим Турон халқим,  
Туркистон халқим,  
Қадим Туркий тилим,  
Онам тили у!  
Буюк Амир Темур  
жаҳонгирлиги,  
Буюк Улугбекнинг  
маърифати ёр.  
Буюк Ҳожа Аҳрор  
кашф-каромати,  
Буюк Мир Алишер  
руҳи барқарор!  
Ҳа, ҳа! Шундай халқ бу,  
бугун бунёдкор!  
Интильмоқда Камолот  
асрори сарин!  
Туғдона дарахт у, –  
илдизли залвор.  
Бўрон-тўфонларда  
ўқ томирлари!  
Бунёдкор миллатим,  
ободкор халқим,  
Бинокор миллатим,  
халқим Сардори  
Кўтариб ўн икки  
юлдузли туғин  
Бошлаб бормоқдадир  
фақат илгарин!  
Қайдаким элларвар,  
яртпарвар Инсон,  
Бағрикенг, адолатпеша бўлса У.  
Унинг мамлакати хур,  
жаннатмакон,  
Унинг мамлакати  
фаровон мангун!

## 2019 ЙИЛ, МАРТ – ИЮНЬ. ЖАРАЁН

Ҳамал шамоллари,  
Еллар, экинлар,  
Ҳар ёнда Наврўзий олам нафаси.  
Бошлаб юборилган  
экин-тикинлар,  
Кўкдан чалинади турналар саси.  
Мамлакат тинч, обод,  
Халқим фаровон,  
Юрт бўйлаб қандайдир парвозий сурур.  
Тўлиб-тошиб оқар  
Заргар Зарафшон,  
Аму суварлида сирли бир ғулу.  
Гул-гул очилгандир  
Тошкент жамоли,  
олқишлар бўлсин-ай Ўзбек юртига.  
«City» ишчиларин  
табриклаш учун  
Кириб бормоқдаман «Tashkent City»га!  
Мана, беш ойдирки,  
уларнинг кўпи,  
Шоир бобоси ила дўст, қадрдон.  
Ана, шу қадрли  
дўстлик ҳурмати  
Улар достонимда эрур қаҳрамон!

## «HILTON»

Дунё етакчи  
брендлари кўп,  
5 юлдуз – «Hilton»  
уларнинг бири.  
Кўзим олдида  
«Hilton» Тошканди  
турар растанган  
Семурғ сингари.  
О, «Hilton», «Hilton».  
Ичкари томон  
йўл олдим секин  
кўз солиб ҳар ён!  
Ҳар бир хонада  
барча қулайлик.  
Таърифларига  
сўз уяларлик.  
Эшиклариди  
йўқдир калит-қулф.  
Улар ўрнида  
смартфон аниқ.  
Барча хонада  
махсус кўрсаткич.  
Уни атарлар  
ақлли датчик.  
Датчик бирорта  
ноҳушлик сезса,  
етказар хабар  
керакли ерга!  
Қайда юрибман,  
«Paris City»ми?  
Ва ёки Хитой  
«Синт» кентларими?  
Бунда мажлислар  
сарой, заллари.  
Ресторан, салон,  
бассейнлари,  
Дизайнларида

ёрқин ранглар мўл.  
Гоҳ тоғлар акси,  
гоҳи денгиз, кўл.  
Меҳмонхонада  
ким бўлса кўноқ,  
Умрин ёдида  
сақланар узоқ...

## CONGRESS HALL

«Hilton» ёнида  
Бунда бўлгайдир  
Йурик саммитлар.  
Саммитларки,  
эрур халқаро.  
Залига тўрт минг  
киши бўлур жой!  
Жаҳон мезони  
ҳар хонасида.  
Наки, хонаси,  
ҳар ашёсида!  
Давлатбошимиз,  
муҳтарам Инсон,  
Кўрсатма берди  
аниқ ва лўнда:  
«Биринчи қават,  
албатта, бўлсин,  
Замонавий, сўз  
дизайнларда.  
Иккинчи қават  
классик услуб  
жилоларини  
этсин жамулам.  
Йўлақлар эса  
Рассомларимиз  
ижодларидан  
безансин кўркам!»  
Ҳар ташрифиди  
назарларидан  
бирорта нуқта  
четта қолмагай.  
Адолат билан  
юртар амрин  
шунда ҳеч киши  
доғда қолмагай!

## «БИЗНЕС МАРКАЗИ»

«Дунё тижорат ила ободдир...»  
**Амир Темур**

...ў-ў. Эллик қаватли  
«Бизнес маркази».  
Офарин! Тасанно! Кўтармоқда қад!  
Тошкент Жамолунма  
чўққи мисоли  
Кўҳна Ипак йўлда бўлғай сарбаланд!  
Атрофин ўраган  
каркас нарвонлар,  
Бунда ғишт терувчи, бунда пайвандчи.  
Бетон куйгувчилар,  
электриклар,  
барчаси бинокор, бари қурувчи!  
Барчаси касбининг  
моҳирларидир,  
Олти мингдан ошиқ ишчи Ситида.  
Улар бугун тарих  
яратмоқдадир,  
турли халқ бирлиги – биродарликда!  
Бунда қозоқ, тожиқ,  
қирғиз, туркманним,  
қорақалпоқ, озор, турк орқадошим.  
Шижоат соҳиби,  
оқил-у ориф,  
муҳандис-у меъмор азиз қўлдошим!  
Ёдга тушиб кетди  
муштабид замон,  
Муштабид замон ёвузликлари.  
Давлат машинасин  
Шахс эркига  
қаттол зуғум тажовузликлари.  
Кишиким, иморат  
қурмоқлик учун  
Бир-икки арава ғишт топса агар,  
Булғанди балчиққа  
кўпдир меҳмони,  
ҳатто қамоқ жазо эди муқаррар.  
Бари ўтди, лексин  
эслаб турмоқлик,  
Авлодлар ёдига хок-поки жоиз.  
Буюк истиқлолнинг  
англасин қадрин,  
Ҳаққа илм, тафаккур идроки жоиз!  
Мана, кўз олдимда  
қайноқ жараён,  
Эркин меҳнат завоқи, яратилиш ишқи!  
Дин, ирқ, миллат, маъзаб  
тушунчасидан  
Баланд Инсон қадрин, юксалиш ишқи!

## БУЛЬВАР

Юрверсанг гар  
қаватма-қават,  
Ҳайратларданким  
лопилар юрак.  
Оҳиста чиқдим  
кўча – майдонга.  
Йўлимни бурдим  
Бульвар томонга.  
Сенсор тизими  
кўчалар бўйлаб,  
чироқлар ёнар,  
гўёки йўлаб.  
Ям-яшил чимзор,  
нўрим тўшамлар.  
Йўлак четлари  
фасона тошлар,  
Ҳар ёнда гуллар,  
чечаклар қийғос.  
Миллионлаб шам  
ёқилгандай хос.  
Ё денгиз маржон  
қояларида  
турли ранг балиқ  
сузар гўёки.  
Бренд дўкони,  
унда қоровул

турмайди энди  
мисли қирғовул.  
Ё навбатчи кас...  
Улар ўрнида,  
Бас, «голограмма  
аппарати» бас.  
7 чи – Лотда,  
Сайлгоҳ аро,  
қаҳвахоналар,  
ресторанлар хос.  
Кўноқхоналар,  
офис ва савдо  
мажмуалари  
боғ сайрига мос!  
Бунда фаввора  
камалак рангли,  
нақ йиғирма газ  
кўтарилар у,  
Куйлар эшиллар  
раққоса мисол,  
ишқий жиллолар  
айлайди висол...

## «TOSHKENT CITY»-ДА КИМЛАР ЯШАЙДИ?

1994 йил 18-20 май.  
Ўзбекистон Президентининг  
Япония мамлакатига  
расмий-амалий ташрифи делегацияси  
сафида Токиода бўлдим. Бизга  
ажратилган олий «New Otani»  
меҳмонхонасида туришим  
керак бўлган хонамнинг эшигини  
очишни эглай олмадим...  
**«Кундалик»имдан**

Ҳа, ҳаммаси тўғри,  
ҳа, ҳаммаси рост,  
Эшикни очолмай бўлганман мулзам.  
Техник тараққиёт  
уқувларини  
билмаган эканмиз, ўйлаб қарасам.  
Қайдан ҳам билардик,  
замона бошқа,  
биз пахта даласин билардик чандон...  
...ў, бугун ишдадтли  
Вақтнинг ўйриғи,  
Тараққиёт ўйриғи – алл тегирмон!  
Вақтдан ортда қолмоқ,  
чироқ кўтарган  
қаҳрамон ортидан қолгандай бир гап.  
Инновацион  
янгиликлардан  
бохабар кишилар ҳаёти шараф!  
Демак, аён «Tashkent –  
City»да ҳаёт  
Сўнги тараққиёт зарурияти.  
Энг аввало, шунга  
Муносиб бўлмақ,  
ҳар қандай инсоннинг қулфин калити.  
Бунда инвесторлар,  
яшар меҳмонлар,  
хорижий сайёҳлар бўлгайдир кўноқ.  
Ситида халқимнинг  
яшамоқ тарзи  
шаклангай ва бўлғай умрзоқ...

## «GARDENS RESIDENCE»

Махсус «Gardens  
Residence»си,  
Яъни турар жой,  
бу мажмуалар,  
кўп хонадонли  
оилага хос.  
Серфарзанд элим  
уларда яшар.  
Ота-онага  
кексаган маҳал  
хотиржам яшаи  
зарур ҳаводай.  
Уларга бунда  
алоҳида, мос  
ажратилгандир  
қулай хоналар.  
Ўзбекнинг, нима,  
кўпдир меҳмони,  
меҳмонга ҳурмат  
қони-жонига,  
Кириб келишар  
кунини-туни демай  
истаган пайти  
ҳар бир онда.  
Шу сабаб-боис,  
меҳмонлар учун  
ажратилган жой –  
хоналар бутун.

## СУРУР

Сени шарафлайман,  
азиз бинокор,  
Маҳкам сиқадирман қадоқ қўлингни.  
Сен асл қурувчи,  
асл бунёдкор,  
Шарафлайман, осмон сари йўлингни.  
Иморатда керак  
адл бунёдчи,  
Ҳар битта ғишт-таянч жойига жоиз.  
Магарким ўрнидан  
оғса сал нари  
Йўлидан адашгай осмонлар из!  
Лой-у қоринчалар  
қайишдай беллик,  
Ҳамоғуш бўлмоғи лозим ҳар ғиштга.  
Иморат барполик  
эрур таг-туғлик,  
Умр фидо бўлса арзир бу ишга!  
Азиз бунёдкорим,  
бирингиз ишчи,  
бирингиз сувоқчи, бирингиз ғиштсоз,  
бирингиз дурадзор,  
кимдир пардозчи,  
Сим – таранг эширки, жаранглайди саз!  
Шер ўлжасин бунда  
тортмас чумоли  
Фил юки юкланмас бунда пашшага.  
Ҳар битта кўнгилда  
руҳпарвар насим,  
Муносиб жой хозир ҳар сариштага!

Ҳеч қандай қора иш  
йўқдир жаҳонда,  
У гўзал ва тўғри яқун топса гар!  
Ҳатто фаррошларнинг,  
ушбу майдонда,  
Ботартиб ишлари қадрланадир!  
Бахт – халақит бермас  
Бурч ҳикматида,  
Дўстлик-биродарлик иншоати бу!  
Замин, қойил қолғил  
Эл ҳимматида,  
Ҳимматлар қимматин салтанати бу!  
Ҳар тоғнинг энг юксак  
зирваси бўлғай,  
Кўрғон-қалъанинг Бош-қош меъмори.  
Пайдор «Tashkent City»  
Кошонасининг  
Бош меъмори эрур Юртим Сардори!  
Ҳикмат бор: бир одам  
қургайдир кўприк,  
ўтгайдир минг-минглаб одамлар ундан.  
Ҳикмат бор: бир одам  
қазигай ариқ,  
сон-минг одам ичар унинг сувидан!  
Ровий дер: Тан кучин  
кўтаргай пок руҳ,  
Ҳаққос рост! Туғанмас Сўзим қайроғи.  
Мамлакат томири  
қонда сурур,  
Ситида хилпираб Ватан байроғи!  
Ўзбекистон йўли,  
шарафли йўл бу,  
Ҳидоятлик йўл бу, орифли йўл бу!  
Бу йўлларнинг асло  
адоғи йўқдир,  
Адолатлик йўл бу, бу йўллар мангун!  
Сени шарафлайман  
Замондош авлод,  
Сени шарафлайман Замондош наслим.  
Турфа гуллар туттиб  
турибди ҳаёт,  
Дуоғўйдир улуг аждодим – аслим!

## ХОТИМА

Айни Ўзбекистон  
кечаги эмас,  
Кечаги эмасдир бугунги офтоб.  
Айри бир эврилиш,  
қадимлар гураш,  
Бу мега дунёда хур, эркин авлод!  
Қарашлар ўзгача,  
нигоҳлар теран,  
Ҳар иш эртасига эътимоҳ назар.  
Эл-юрт хизматида  
тайёр даъфатан,  
Ватан тақдирини тақдири безар!  
Қурилиш... қурилиш...  
Инновацион  
Янгилик қадамда, амалиётда.  
Фақатгина «Tashkent –  
City»да эмас,  
Бинолар қадр-роғатлар тараф-тарафда!  
Олмазор, Бешоғоч  
кўчаларининг  
кешишмаси аро «Нито Арена».  
Ҳазиргина келиб  
тўхтаган янглиғ  
Уммон кўрғазиди муҳташам Кема!  
Ислоҳ тараққиёт  
биниси гўзал,  
Шарқона жиллолар – гўмбазлар мовий.  
Унинг қоқ нуқтаси  
сипозархал зал,  
Унга қўйилгайдир «Усмон Қуръони»  
Марказий бинода  
анжуманлар-у  
Кутубхона зали, кўрғазма заллар.  
Уларда сақлангай  
тарихий манба,  
Осорин-атиқа ва ашёлар.  
Муқаддас иломнинг  
моҳиятини,  
Шу ерда уққайдир навқирон авлод.  
Чин – йимон ҳидоят,  
барокотини,  
Адолат қонунин айлоғай бунёд!  
Мен сафар кишиси,  
Ватаним бўйлаб,  
Юкхалтам елкамда, кезганим-кезган.  
Бугун Нукусдаман,  
эртан Термизда,  
Индинга Водига ошғум ғизиллаб!  
Ҳар жойда қурилиш...  
бамисли кўзгу...  
Одамлар қалбида бир фаровон руҳ,  
Улар қадрин, юз –  
кўзига гурур,  
Идрок шуурида мусаффо шуқуқ!  
Ижод мактаблари...  
Мунаввар гўша,  
Илм-маърифатнинг ўт-ўчоқлари  
Улардан таралгай  
Кишварлар оша  
Асл адабиёт хур сабоқлари!!!

\*\*\*

Астроном борар  
Кўкдан Ер томон,  
Кундузи ҳеч нарса  
кўринмас унда.  
Ва лексин кечаси  
боққанда кўрар  
миллиардлаб чироқ  
порлар Заминда!  
Чироқлар... чироқлар...  
серюлдуз уммон,  
уммонки, туб-туби  
зим-зиё, зулмат.  
Шу зулмат чийда  
машъала ҳар ён,  
Гўё Прометей  
яратган ҳилқат.  
Марказий Осиё,  
қайдасан, қайда?  
Ана у, ана у,  
Мана, бу Тошканд.  
Тошканд ўртасида,  
ушлайсан ёқа,  
Порлар «Tashkent City»,  
нақ қандилмонанд!



41 Бугун... Уша қутилган умидлар ўзини оқлаш арафасида турибди. Чунки «Тўрақўрғон» ИЭСнинг биринчи блогни фойдаланишга топширилишга тайёрланмоқда.

Иссиқлик электр станцияси қурилишини инвестиция дастури асосида молиялаштириш бўйича ўтказилган тендер танловлари натижаларига кўра, лойиҳага консалтинг хизмати кўрсатишни Япониянинг «ТЭПКСО» компанияси амалга оширмоқда. Ушбу компания билан 18 миллион 338 минг долларлик шартнома имзоланган. Халқаро тендерда Япониянинг «Mitsubishi Corporation», «Mitsubishi Hitachi Power Systems» консорциуми бош пудратчи сифатида қолиб, деб топилган. Ушбу компания билан 749,43 миллион долларлик шартнома имзоланган. Станциянинг умумий лойиҳа қиймати 1 миллиард 195 миллион 870 минг АҚШ долларига тенг.

2017 йилнинг 1 январидан бошлаб ёрдамчи пудратчи – Туркиянинг «Calik Enerji» компанияси муҳандис-техник мутахассислари ҳам қурилиш-монтаж ишларида фаол иштирок этаётди.

– Энергоблогнинг биринчисида қурилиш ишлари деярли ниҳоясига етди, – дейди «Тўрақўрғон» ИЭС қурилиши дирекцияси директори Акмал Файзиев. – Газ ва буғ қувурларида автоматик тарзда ишлайдиган тизимлар синовдан ўтказилди. Қолаверса, ИЭСнинг электр токни узатувчи иккита юқори кучли ишчи ҳаво тармоқлари ҳам тахт ҳолга келтирилди.

Янги авлодга мансуб энергоблоглар анъанавий иссиқлик электр станциялари сарфлайдиган ёнгилги бирлигига нисбатан икки баробар кўп электр энергияси ишлаб чиқарилади ҳамда Фарғона водийсининг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида электр энергиясига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади.

«Тўрақўрғон» ИЭС ишга туширилиш натижасида бир йилда 900 Мвт қўшимча қувват ёки 7 млрд. кВт – соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши имконияти яратилади ҳамда Фарғона водийсининг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида электр энергиясига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади.

## Ҳаёт ва бирдамлик симфонияси

### «Тўрақўрғон» иссиқлик электр станцияси фойдаланишга топширилиш арафасида


Қурилиш жараёнида меҳнат ва ходимлар хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу ерда ишловчи ҳар бир ходим махсус ҳимоя воситалари ва махсус кийим билан таъминланган. Худудда ёнғин хавфсизлиги хизмати иншоотлари ҳам айна шу мақсад йўлида бунёд этилган.

Станция фаолият бошлагач, дастлаб 200, кейинроқ 300 нафар киши корхонада иш билан таъминланади. – Ҳозирнинг ўзида мутахассисларни деярли танлаб бўлдик, – дейди А.Файзиев. – Станциянинг жижиз ва қурилмалари замонавий, ўзига хос мураккабликларга эга бўлгани сабабли юқори малакали кадрларни қабул қилишга эътиборни кучайтирдик. Мутахассисларга бўлган асосий талабимиз хорижий тилларни, замонавий технологияни билиш ва албатта, соҳадаги тажриба. Бошқа электр станцияларда узоқ йиллар фаолият кўрсатган, бой тажрибали ходимларни ҳам тақлиф этдик.

Янги авлодга мансуб энергоблоглар анъанавий иссиқлик электр станциялари сарфлайдиган ёнгилги бирлигига нисбатан икки баробар кўп электр энергияси ишлаб чиқарилади ҳамда Фарғона водийсининг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида электр энергиясига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади.

торли станциялар кўрсаткичларидан анча юқори бўлиши билан бирга, энергоблогларнинг иш жараёнида атмосферага чиқадиган зарарли газлар миқдори қарийб икки бараварга камаяди.

«Тўрақўрғон» ИЭС ишга туширилиш натижасида бир йилда 900 Мвт қўшимча қувват ёки 7 млрд. кВт – соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши имконияти яратилади ҳамда



Фарғона водийсининг Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида электр энергиясига бўлган эҳтиёж тўлиқ қопланади.

Қурилиш ишларида 2400 нафарга яқин маҳаллий ва хорижий ишчилар иштирок этмоқда.

Объект «Сўх-Наманган» магистрал газ тармоғи орқали ёнгилги, Катта Наманган канали орқали техник сув билан таъминланиши режалаштирилган.

– Бу объектга қарасангиз, одамнинг ҳаёлидан кўп нарсалар кечади, – дейди меҳнат фахрийси Абдурашид Раҳимов. – Бу ҳамкорликнинг, ҳамжиҳатликнинг бир тимсолидир.

Айтарли йирки ишлаб чиқариш корхонаси бўлмаган туманимизда шундай объект қад ростлаб турибди. Уни ким бунёд этмоқда? Узимизнинг фарзандларимиз. Унда ишлаган мутахассислар ҳам ўзимизнинг ёшлар эмасми? Фахрий педагог сифатида мени бу ҳолат жуда қувонтиради. Бу ерда ишлаган ёшлар хорижийликлардан янги билим, тажрибани ўрганишмоқда. Бу эса ватанимиз ёшларининг салоҳияти ошишига кўшилаётган ҳисса эмасми? Бир вақтлар шўрроқ адир бўлган бу худуддан эндиликда ёруғлик ишлаб чиқарилади. Бу нур болаларимизнинг сифатли таълим олиши, корхоналарнинг узлуксиз ишлаб туриши, тиббиёт масканларининг доимий фаолият юритиши, умуман, барча

соҳада сув ва ҳаводек хизмат қилади. Шу ўринда рақамларга мурожаат қилсак. Статистик маълумотлар тақдим этувчи uzanalytics.com сайтидаги маълумотларга кўра, иссиқлик электр станциялари Ўзбекистон энергетика тизимининг асоси бўлиб, республикада ишлаб чиқариладиган электр энергиясининг қарийб 86 фоизи ушбу станцияларда ишлаб чиқарилади. 14 фоиз электр энергияси гидроэлектр станциялари маҳсулидир.

Демакки, аналогичи кўп бўлган «Тўрақўрғон» ИЭСнинг замонавийлиги инobatга олиниб, унга максимал талаблар қўйилиши табиийдир. Объектнинг камчиқим, сермахсул

ган эҳтиёж деярли 25 фоизга ўсган. Экспертларнинг маълумотларига кўра, 2020 йилга келиб, республикада электр энергиясига бўлган талаб 71,8 млрд. кВт/соатни ташкил этади. Бу 2017 йилда ишлаб чиқарилган электр энергияси ҳажмидан 18 фоизга кўпдир. Мана шу тафовутни бар-тароф этишда «Тўрақўрғон» ИЭСнинг ҳам ҳиссаси юқори бўлади, албатта.

– Бир неча йилдан бери тадбиркорлик

билан шуғулланаман, – дейди «Чуст Ўқтамжон сервис» тивувчилик корхонаси раҳбари Санобар Тожибоева. – Оилавий тадбиркорликдан 100 нафар кишини иш билан таъминлай оладиган корхона даражасига чиқдик. Хорижга экспорт билан ҳам шуғулланамиз. Утган йили «Асака» банкнинг 1 миллиард 500 миллион сўмлик кредити кўмағида Хитойдан 100 та замонавий тивув, бичув ва дазмоллаш дастгоҳи келтириб, ўрнатдик. Экспорт шартномаси туздингизми, шартларни вақтида бажаришингиз шарт. Акс ҳолда, ҳамкорни йўқотасиз. Баҳор ва ёз ойларида унчалик муаммо эмас, аммо йилнинг совуқ фаслида электр таъминотида узил-шлар бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмига кескин таъсир қиларди. Насиб бўлса, истиқлолимизнинг 28 йиллигига тўхта бўлиб ишга тушажак электр станцияси бу камчилигимиз ўрнини тўлдиради. Эндиликда вилоятимизга инвесторларнинг келиши янада ортади. Тадбиркорлик юритиш учун энг зарур бўлган электрнинг узлуксиз етказиб берилиши кўпчиликни ўзига жалб этиши табиий.

ИЭСнинг яна бир мукамаллиги атроф-муҳитга зарар келтирмаслиги билан ўлчанмоқда. Биргина кимёвий сувни тозалаш қурилмасини олайлик. Ҳар икки ҳавада соатига 16 тоннадан сув дистилланади.

\*\*\*

**Бугун «Тўрақўрғон» ИЭСга келган одам борки, инсон идроки, заковати ҳақида дoston тингла-гандек бўлади. Сокин адирликлар узра ястанган замонавий биноларда ҳаёт, тириклик, бирдамлик, яратувчанлик симфонияси бир зум бўлса-да, тинмайди...**

Дилдора РАҲМОНОВА,  
«ISHONCH»  
Мирмуҳсин МИРЗОКИРОВ,  
журналист



Сурхондарё вилояти

## Инвестицион салоҳият намоиши

Гулистон шаҳрида I Халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз вазирилик ва идоралари, 200 тадан ортиқ хорижий компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Кайд этилдики, айна пайтда вилоятда хорижий ҳамкорлар иштирокидаги 140 га яқин корхона фаолият юритмоқда. Кейинги йилларда вилоятда ўз бизнесини йўлга қўйиш истагида бўлган хорижий ва маҳаллий тадбиркорлар сони ортади.

Форум доирасида хорижий инвесторларга яратилаётган имконият ва имтиёزلар ҳақида маълумотлар берилди.

Турли мамлакатдан келган инвесторларга миллий анъаналар намоиши сифатида «Гуллар фестивали», «Қушлар кўргазмаси» ва «Қовун сайли» ташкил этилди.

Шу кунги вилоят маркази – Гулистон шаҳрида баландлиги 65 метрли улкан байроқ ўрнатилди. У шаҳарнинг «Юрт байроғи» майдонида қад ростлади. Ушбу ҳаяжонли тадбирда вилоят ҳокимлиги, ташкилот вакиллари, шунингдек, хорижий меҳмонлар иштирок этди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,  
«ISHONCH»

\*\*\*



Сурхондарё вилояти

## Термизга янги автобуслар келади

Сурхондарё вилояти ҳокими-нинг ўринбосари Алишер Амиров бошчилигидаги делегация Хитой Халқ Республикасининг Цзянсу провинциясида бўлди.

Ташриф доирасида Янчжоу шаҳрида махсус техникалар, шаҳар ва шаҳарлараро автобуслар ишлаб чиқарувчи «Asiastar» компанияси билан танишув ўтказилди.

Ушбу компанияда ишлаб чиқарилаётган замонавий автомобиллар, автобус ҳамда микроавтобуслар ички ва ташқи бозорда анча харидордир. Уларда ҳайдовчи ва йўловчилар учун барча қулайликлар яратилган. Юмшоқ ўриндиқлар, кондиционер, салондаги иқлим назорати, хавфсизлик тизимлари шулар жумласидандир.

Компания директори Вю Ёнгсон, бошқарувчи Шен Дехуа, Марказий Осиё бўйича директори Хинг Чен ва бошқа мутасаддилар билан бўлиб ўтган музокаралар якунида автобус ва микроавтобусларни сотиб олиш бўйича келишувга эришилди.

Хитой Халқ Республикасидан олиб келинадиган бу замонавий автобуслар Термиз шаҳрида транспорт хизмати сифатини ошириш, аҳолига замонавий хизмат турларини кўрсатиш имконини беради.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
«ISHONCH»

Тошкент шаҳри



## Фермер меҳнат муҳофазасини биладими?

Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси қай даражада ташкил этилган? Оддий фермердан тортиб, ишчилар-у тракторчилар учун меҳнат муҳофазасига оид шарт-шароитлар яратиб берилганими?

Очилини айтганда, қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси масаласи жудаям эътиборталаб мавзу. Далада ишлайдиганларнинг меҳнат муҳофазаси ҳақида тушунчаси йўқ даражада. Масалан, далада ишлаган шундай тракторчи ва комбайнчилар ҳам борки, улар бошқараётган техника воситалари меҳнат муҳофазасининг меъёрий талабларига умуман жавоб бермайди. Механизаторлар баҳор ва куз ойларида совқотиб, ёзда эса иссиқдан «эриб» ишлайди. Техникаларнинг созлиги ва мавсумга шайлиги

учун масъул бўлган ташкилотлар жойларда йўқ ҳисоби. Эртдан кечгача даладан бери келмайдиганлар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмайди.

Шу жиҳатлар эътиборга олинган ҳолда Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси томонидан 2018 йилда «Қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлигини таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан 2018–2020 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар дастури» ишлаб чиқилган эди.

Ҳозирда мазкур Ҳаракат дастури

ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Навбатдаги тадбирлардан бири «Тошкентвино» акциядорлик жамиятида бўлиб ўтди.

Ўқув-машгулот тарзида ўтказилган ушбу тадбирда Ҳаракатлар дастури ижросини таъминлаш борасида жорий йилнинг етти ойи давомида идоралараро Ишчи гуруҳ амалга оширган ишлар муҳокама қилинди. Келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Келгусида жойларга кўпроқ чиқиб, фермер ва ишчилар билан бевосита мулоқатда бўлиш ва уларнинг муаммоларини кўтариб чиқиш ҳақида тақлифлар айтилди.

Тадбирда сўзга чиққан Агросоанот

мажмуи ходимлари касаба уюмлари Республика кенгаши раиси вазифасини бажарувчи Тўхта Бозоров, Ўзбекистон касаба уюмлари Федерацияси Меҳнатни муҳофазаси бўлими мудири Нодира Каримова ва бошқалар қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазаси ҳамда хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бу борада амалга оширилиши зарур бўлган муҳим чора-тадбирларга тўхталиб ўтди.

Семинар сўнггида иштирокчилар корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти ҳамда ходимлар учун яратилган меҳнат шароитлари билан яқиндан танишишди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ,  
«ISHONCH»

Тадбир


Мулоҳаза учун мавзу

Эълонлар

# Экран қаршисидаги болакай...

## Ёхуд тан ва руҳ нималар билан суғорилмоқда?

Ҳозирги пайтда аксарият ота-оналар «Болам тинч ўтирса бўлди», дея уларни кун бўйи телевизор қаршисида қолдиришади, хархаша қилмасин деб, компьютер-у телефонга турли ўйинлар юклар беришади.



– Кейинги йилларда кўз касалликларининг тури ортиб бормоқда, – дейди тажрибали офтальмолог Абдураззоқ Каримов. – Бунга сенсорли телефон ва планшетлардан тартибсиз, узоқ вақт фойдаланиш сабаб бўляпти. Жумладан, мактаб (6-17) ёшидаги болаларда миопия – узоқни яхши кўра олмаслик кўп учраётгани, ушбу ҳолат илгари ниҳоятда кам қузатилган. Касалликнинг дастлабки белгилари куйидагилар: масалан, бола девордаги соат нечилигини айта олмайди. Мактабда эса доскадаги везуларни кўришга қийналади. Вақтида даволанса, хасталик ортага чекинади, албатта. Афсуски, бизга кўпинча кеч мурожаат қилишяпти.

ларининг ишга туширилиши тўғрисида маълумот берилган бўлганда, – дейди тажрибали офтальмолог Абдураззоқ Каримов. – Бунга сенсорли телефон ва планшетлардан тартибсиз, узоқ вақт фойдаланиш сабаб бўляпти. Жумладан, мактаб (6-17) ёшидаги болаларда миопия – узоқни яхши кўра олмаслик кўп учраётгани, ушбу ҳолат илгари ниҳоятда кам қузатилган. Касалликнинг дастлабки белгилари куйидагилар: масалан, бола девордаги соат нечилигини айта олмайди. Мактабда эса доскадаги везуларни кўришга қийналади. Вақтида даволанса, хасталик ортага чекинади, албатта. Афсуски, бизга кўпинча кеч мурожаат қилишяпти.

учун телефонни унга тутқазиб қўйиш урфа айланмоқда. Интернетда эса бугун 1 ёшли болагаям ўйин бор. Қуни кеча Телеграмга ҳар дақиқада юзлаб видеолар жойланиши ҳақида ўқиб қолдим. Уларнинг барини кўриб чиқиш учун 16 йил керак бўлар экан. Қобулмига келганларнинг ҳар бирига, аввало, уяли алоқа воситаларидан фойдаланишнинг меъёрини билиш лозимлигини тушунираман. Чунки бунинг касрига инсон организмидеги хромосомалар таркиби бузиляпти – ирсий касалликлар юзага чиқмоқда. Хусусан, айнан шу сабабли иммунитет пасаяди. Организм ниҳоятда кучсизланса, ўсма касалликлари фаоллиги ошади. Кейинги пайтда бундай хатарли хавфлар йўқ, қайд этилган маълумотлар эса ота-оталарни ҳушёр тортириши керак. Фарзанд – ҳаёт чирроғи, келажак эгаси. Унинг жони оғримаслиги узоқ яшаш, наслимизни давом эттиришини хоҳласак, умрни зарарли одатларга ўргатмайлик. Бола тарбиясидаги анъанавий жиҳатлар – эртақлар, аллалар айтиш, ўз мисолида кўрсатиб ўргатиш ҳеч қачон эскирмаслиги ҳақида ҳам ўйлаб кўрайлик. Хулоса ўрнида шифокорларнинг куйидаги маслаҳатини яна бир бор эслатиш ўринли: Ўзингиз сўнгги русумдаги аппарат ишлаб туриб, болангизга уни таққиллаш билан ҳеч нарсага эришолмайсиз. Бу тўғрисида сотиб олишдан аввал ўйлашингиз лозим.

**Кундалик ҳаётда айрим ота-оналарнинг фарзандига ҳамма шароитни яратиб қўйгани, аммо ўғли ё қизи меҳнатининг қадрига етмаётгани ҳақидаги иддаосини эшитиб қоламиз. Шундайларга қарата «Назорат қилишни унутмадингизми?», дегимиз келади.**

– Тинч осойишта ва тўқин ҳаёт келтиришнинг иложи йўқ. Беморлар ёшликдан кўзойнак ёки контакт линзаларга муҳтож бўлиб қолишяпти. Бунинг нечоғли изтиробли эканини беморларнинг ўзларига ҳис қилишади. Бундай хавфли оқибатларнинг олдини олиш учун мактаб ёшидаги болаларга телефон (айниқса, сенсорлилари)дан фойдаланишни тақиқлаш керак. Телевизорни ҳам камидан 3,5 метр узоқликда ўтирган ҳолатда 1-2 соат томоша қилиш етарли. Бу вақтда хона ёруғ бўлиши шарт. Йўқса, кўзга зарар етади.

Мамлакатимиз жаҳон миқёсида ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп гамжўрлик кўрсатаётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилишга йил сайин кучли эътибор қаратилаётгани тўғрисида маълумотлар яшаётган аҳолига ҳам зарур шароитлар яратилаётир. Замонавий она ва бола скрининг марказ-

ларидан меъёридан ортиқ фойдаланиш сабабчи, – дея қўянади Наманган вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт муассасасининг болалар невропатолог Эркинжон Бозоров. – Гўдақларда хотира сусайиши ҳолатлари учрамоқда. Айни елиб-югуриб чорчамайдиган паллада кичкинтойнинг худди оғир қийинчилики бошдан кечиргандек ҳолсиз бўлишига сабаб нима? Болаларда гиперкинез (кўз пиррираши) аломатлари кўпайиб бормоқда. Улар жуда асабий, йиғлоқ-ки... Буларнинг олдини олиш учун болаларни турли зарарли одаларга ўргатмаслик зарур. Афсуски, инжиқлик қилаётган гўдақларини тинчлантириш

Назокат БАҲОДИРОВА, журналист

Сўраган эдингиз

## Биринчи синф ўқувчиси «ГЕПАТИТ А» га қарши эмланиши шартми?

Ўғлим етти ёшда. Бу йил биринчи синфга чиқади. Мактабга қабул қилиш учун ҳужжатларини олиб борсам, мактаб шифокори «Ўғлингиз «Гепатит А» га қарши эмланмаган экан, эмлатиб келинг» деди. Айтинг-чи, мактабга чиқаётган ўқувчини «Гепатит А» га қарши эмлатишим шартми?

Умида ЎРОЛОВА, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани

Жавоб:

### Ҳақли тавсия

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2014 йилдаги 149-сонли буйруғида «Гепатит А» га қарши эмланишнинг фойдаси ҳақида тўхталгани, мактабга ва умумтаълим мактаби ўқувчиларини қабул қилишдан олдин уларнинг «Гепатит А» га қарши эмланиши тавсия қилинган. Шунга асосан барча мактабларда биринчи синфга келаётган ўқувчилардан «Гепатит А» га қарши эмлангани ҳақидаги маълумотномалар сўралади. Бунинг сабаби шунки, мамлакатимиз «Гепатит А» тарқалиши хавфи юқори бўлган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Ҳар йили ўқувчилар орасида учраётган касалликларни ўрганиши, ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш натижалари шунки кўрсатмоқдаки, «Гепатит А» йил сайин мактаб ўқувчилари орасида кенгроқ тарқалмоқда. Агар ўқувчи ушбу касалликка чалинса, 40 кунгача касаллик ўзининг аширин даврини бошдан кечиради ва қон ҳамда пешоб таҳлилини олмасдан туриб, ўқувчининг касалликка чалингани сезиш қийинроқ. Аксига олиб, ана шу 40 кун давомида касалликни юқтириш хавфи ҳам кучли бўлади. Бола эса, албатта, олти ой қаттиқ режим асо-

сида шифокор назоратида даволаниши зарур. Бироқ ана шу даврда ҳам унинг тўқил тузалиб кетишига кафолат йўқ. Айримларда у салбий асоратларини ҳам қолдириши мумкин. Бу биринчи жиҳати. Иккинчи жиҳати эса хасталикка чалинган бола ўзида касаллик маълум бўлгунча мактабда юрган даврида яқин мулоқотда бўлган бошқа тенгдошларига ҳам юқтирган бўлиши мумкин. Кўпинча, афсуски, бир синфдан бирор ўқувчи «Гепатит А» касаллигига чалинса, бутун синф ўқувчилари тиббий текширувдан ўтишга юборилади. Чунки касаллик ўқув куролларини алмашиб ишлаши, қўл бериб кўриши орқали ҳам юқиши билан хавфлидир. Эътиборлиси, бу касаллик тарқатувчисининг ҳам юқтирувчиларининг ҳам 99 фоизли шу касалликка қарши эмланмаган ўқувчилар бўлиб чиқади. Шу боис, илк бор кўпчилик орасига чиқаётган болаларимизни ушбу касалликдан асрашнинг энг яхши ва самарали йўли эмлашдир.

Муҳайё АҲМЕДОВА, Миробод тумани марказий поликлиникаси болалар бўлими муdiri

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ жойларда ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади № 2019-12

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 24 август  
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги муддат: Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари:

1-тип. Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар;

2-тип. 0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари куйида санаб ўтиладиган ҳар

бир тендер пакетлари учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвести» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини куйида келтирилган шартномалар бўйича янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган

танлов таклифларини киритишларини тақдим қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низоми мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари

қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан танишиш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига куйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

**Тошкент вилояти**

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (0 371) 241-15-37 Факс: (0 371) 241-15-26

килотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўпلام танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИҲга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари куйида келтирилган:

**Тошкент вилояти**

Банк: «Азия Альянс Банк» Олмасор филиали  
ИНН: 300 017 720  
ҳ/р: 2021 0000 5045 4602 7001

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари куйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«\_\_\_\_\_вилояти, \_\_\_\_\_тумани, \_\_\_\_\_массивидаги, \_\_\_\_\_лот \_\_\_\_\_та яқка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга эзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер таш-

Тендер ҳужжатлари куйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига;

Таклифларни тақдим этиш сўнгги муддатигача;

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтгача;

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишнинг охириги кун-

нида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида куйида келтирилган манзилда ўтказилади:

**Тошкент вилояти ҳокимияти**

Манзил: Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси, 90-уй.  
Телефон: +0 (371) 232-80-47 Факс: +0 (371) 232-80-42

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвести» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир донга уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнгги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнгги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнгги 3 йилда қуриб биттирилган уйлар майдони м²
0,02 га ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп квартиралар (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РЎЙХАТИ

Лот №	Худуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	Кўп қаватли 2-3 хонали уйлар			Бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га)		Таклифларни топширишни охириги муддати
				сони	хонадон	Уй рақами	сони	Уй рақами	
<b>Тошкент вилояти</b>									
555	Зангиота	Эшонгузар	16	1	16			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
556	Зангиота	Эшонгузар	16	1	16			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
557	Зангиота	Эшонгузар	16	1	16			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
558	Юқори Чирчиқ	Янгибозор қўрғони «Маърифат» МФЙ	24	1	24			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
559	Юқори Чирчиқ	Янгибозор қўрғони «Маърифат» МФЙ	24	1	24			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
560	Паркент	Қорақалпоқ	24	1	24			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
561	Паркент	Гулбоғ	24	1	24			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
562	Янгийўл	Мезон	32	1	32			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
563	Янгийўл	Мезон	16	1	16			2019 йил 24 сентябрь 11:00	
564	Янгийўл	Қўшөғоч	10			10	1-10	2019 йил 24 сентябрь 11:00	

**ИЗОҲ:** 1. «Ishonch» газетасининг 2019 йил 31 январдаги №18(4147) сонидеги «Қишлоқ қурилиш инвести» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги «2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари №2019-04»даги Тошкент вилояти, Оққўрғон туманидаги ер массивлари ўзгаргани сабабли № 458, 459, 460, 461, 462, 464 ва 465 лотлардаги 168 та уйга берилган эълон бекор қилинади.

Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида рўйхатдан ўтган «MEGA DREAM PLACE» МЧЖнинг Устав фонди 28 413 048 (йигирма саккиз миллион тўрт юз ўн уч минг қирқ саккиз) сўмдан 16 413 048 (ўн олти миллион тўрт юз ўн уч минг қирқ саккиз) сўмга камайганини маълум қилади.

Табрик

# Меҳнат ва ижод қадри

Пойтахтимизда мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуг, энг азиз» анъанавий кўрик-танлови ғолиб ва совриндорлари тақдирланди.



**К**ўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон Бадий академияси, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган танловга 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури, «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Ешлар – келажагимиз», «Беш ижобий ташаббус» каби муҳим дастур ва режалар доирасида амалга оширилаётган туб ислохотларни кенг ёритувчи ижодий асарлар қабул қилинди.

Ғолиблар ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари, босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, интернет-журналистика материаллари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари, тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари, кино санъати асарлари каби йўналишлардаги номинациялар бўйича аниқланди.

Энг яхши деб топилган ижодий иш муаллифлари «Энг улуг, энг азиз» анъанавий кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари деб топилди ва тақдирланди.

Комила БОЙМУРОВА,  
«ISHONCH»



## ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМА ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Мамлакатимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган барча юртдошларимизни, хусусан, ишчи-ходимлар манфаати ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш йўлида фидокорона фаолият юритаётган жонкуяр касаб уюшма аъзоларини яқинлашиб келаётган энг улуг, энг азиз байрамимиз –

**мамлакатимиз  
Мустақиллигининг  
28 йиллиги билан**

чин қалбдан табриклайди.  
Барчангизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр,  
хонадонларингизга қут-барака,  
Ватан равнақи йўлидаги ишларингизга  
юксак муваффақиятлар тилаймиз!



**Байрамингиз қутлуғ бўлсин,  
азиз юртдошлар!**

**XalqBanki**

Халқаро рейтинг агентлиги

**Fitch Ratings**

2019 йил 12 августда

Ўзбекистон Республикаси  
Акциядорлик тижорат «Халқ банки»нинг

Халқаро кредит рейтингини  
**BB-**  
БАРҚАРОР  
даражасида тасдиқлади

МУАССИС:



2007 йил 11 январда  
Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида  
116-рақам билан рўйхатга  
олинган.



Бош муҳаррир  
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

[www.ishonch.uz](http://www.ishonch.uz) сайти орқали Ўзбекистон  
Республикаси Президентининг фармон ва  
қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий,  
танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни  
билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,  
Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
Газета ҳафтанинг: сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.  
Газета «Ishonch»нинг компьютер  
марказида терилди ва сақфаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Тахририят ҳисобрақами:  
2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ«Iproteka bank» Яшнобод филиали,  
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон  
Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро – (+998-99) 889-90-31  
Жиззах – (+998-99) 889-90-34  
Наманган – (+998-99) 889-98-02  
Навоий – (+998-99) 889-90-28  
Тошкент – (+998-99) 889-90-25  
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нўқтани  
назаридан фарқланиши мумкин.

Набатчи муҳаррир:

Х. Норбоев  
Мусаҳҳиж:  
С. Шодиева  
Саҳифаловчи:  
Ҳ. Абдужалилов  
ЎА яқини – 23:25  
Топширилди – 01:20

Газета офсет усулида,  
А-2 форматда босилди.  
Ҳажми 4 босма табоқ.  
Буюртма Ғ – 817.  
28020 нускада босилди.  
Нашр кўрсатиши: 133

1 2 3 4 5